



# ПОСЕТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 7 август, пайшанба • 32 (3508)-сон

## САМАРҚАНД,

6 август (ЎзА махсус  
мухбирлари Анвар  
Бобоев, Акбар  
Қаршиев).

Россия  
Федерацияси  
Президенти  
Владимир  
Путин амалий  
ташриф билан  
Ўзбекистонга  
келди.  
Самарқанд  
аэропортида  
олий  
мартабали  
меҳмонни  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Ислом  
Каримов кутиб  
олди.



## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин Россия ҳукумати раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи ташрифи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилнинг майидаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди.

Бундай самимият ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далолатдир.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқалардан ҳам аниқ тасаввур қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларaro қўшма комиссия таркибини янгилашга келишиб олди. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, янгиланган комиссиянинг илк мажлиси шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасидаги алоқалар десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки

ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан бўлган учрашувда бу галги музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлашди. Ислом Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзуси устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳокама этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Россиянинг "Газпром" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ўртасида "Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қили-

нади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажм жиҳатдан янги поғонага кўтаришга келишиб олишганини маълум қилишди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасозлиги, сув хўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлашди. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайди. Шу боис бу борада ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислом Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўплаб келишувларга эришилган. Ҳукуматларaro қўшма комиссия мажлисида Президентлар келишувларини ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматларaro қўшма комиссия эса ана шундай сиёсатни

амалиётга татбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса, комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти кутилган натижани беради.

Владимир Путин Ислом Каримов ҳамроҳлигида кўҳна Самарқанддаги тарихий обидалар - Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улугбек расадхонасини томоша қилди. Рус православ черковида бўлди.

- Самарқандга биринчи марта келишим, - деди Россия Президенти. - Шаҳарнинг тарихий обидалари гоёт ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таассурот билан қайтмоқдаман. Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.



## Хабарлар, воқеалар, янгиликлар

ТАДБИРЛАР  
САМАРАЛИ ЎТАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида "Тозалаш", "Антитеррор" тадбирларини ўтказишга бағишланган тезкор йиғилиш бўлиб ўтди. Барча туманлар ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари қатнашган йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги М. Бабаниязов очди ва тадбирларнинг мақсади ҳамда аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан сўн Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Полвонов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиқлари, милиция подполковниги Ш. Сафартаев, милиция майори М. Хўжакеев ва бошқалар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Ж. ЎТЕНИЯЗОВ,  
ички хизмат майори.

## ТҮРТ ЁШЛИ ЖАМОА

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси тизимидаги подполковник Раҳим Назаров бошчилигидаги ҳарбий қисм ташкил топганлигининг 4 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят мудофаа бошқармаси бошлиғи Ш. Аббосов, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари Ю. Тошбоев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Д. Аҳмедов ҳамда ҳарбий қисмлардан вакиллар иштирок этишди. Ҳомийлар жанговар ва жисмоний тайёргарликда бошқаларга ўрнатилган бўлаётган ҳамда намунали хизмат ўтаётган аскар ва офицерларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Тантана сўнгида аскарлар турли ҳарбий ва жисмоний машқлар намойиш этишди.

Қ. МУҚУМОВ.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ  
САНАЛАРИ

## 9 АВГУСТ

- Сингапур Республикаси миллий байрами - Миллий республикаси куни (1965)
- Жаҳоннинг туб халқлари халқаро куни (1994)

## 10 АВГУСТ

- Эквадор Республикаси миллий байрами - Мустақиллик куни (1809)
- Қурувчилар куни

## 11 АВГУСТ

- Чад Республикаси миллий байрами - Мустақиллик куни (1960)

## 12 АВГУСТ

- Халқаро ёшлар куни (1999)

## ТҮРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ – ҲАМКОРИМИЗ

Навоий вилояти прокуратураси ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни вилоят прокурорининг ўринбосари Б. Эргашев кириш сўзи билан очди. Мулоқотда суд, прокуратура, адлия, ички ишлар ва божхона соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг матбуот орқали ёритилишининг аҳволи, бу борадаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н. РАҲИМОВА.

## МУНОСИБ ТУҲФА


Урганч-Шовот йўлининг бўйида ЙПХ маскани қурилиши чала қолиб кетганди. Урганч тумани ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида бино қурилиши баҳорда яна бошлаб юборилган эди. Ҳозир энг сўнги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида у фойдаланишга топширилиб, байрамга муносиб туғфа бўлади.

Аввал режалаштирилгандек, бино ЙПХ масканигина бўлиб қолмасдан, бу ерда замонавий милиция таянч пункти ҳам фаолият кўрсата бошлайди.

Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлимининг худуди ва биноси эса қайта таъ-

мирланди. "Маърифат хонаси", навбатчилик қисмидаги кўргазмали қуроллар умуман янгиланди. Яқин кунларда эса ҳовлида хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларга ёдгорлик бунёд этилади.

Ўз мухбиримиз.



Мана, қарийб уч ой-дирки республика ИИБ тизимида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ёш ходимлар якка тартибда бошланғич тайёрлов машғулотларини ўташмоқда. Шу давр мобайнида улар касбий ва жанговар тайёргарликлар бўйича малакали мутахассислардан сабоқ олишди. Улар машғулотлар якунида синов имтиҳонлари топширадилар.

Суратда: ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Мухтаров ёш ходимлар билан машғулот ўтмоқда.

Э. ТҮЛАЕВ олган сурат.

ИЖОДКОРЛАР  
БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририятининг бир гуруҳ ижодий ходимлари Тошкент шаҳар ИИББ тизимидаги турли хизматларда ўтган навбатдаги Маърифат дарсларига таклиф этилдилар.

Ички ишлар Бош бошқармаси, ЙХХБ, ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси, Патруль-пост хизмати бригадасида бўлиб ўтган учрашувларда йиғилганлар Бирлашган тахририят нашрлари – "Поста", "На посту" газеталари, "Қалқон", "Ўқит" журналлари, шунингдек,

"Қалқон" студияси ва "Автохамроҳ" радиостудиясининг ташкил этилиши тарихи, уларда кечаётган жараёнлар ҳамда ижодий жамоаларнинг режалари билан танишишди. Журналистлар кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

## Навбатчилик қисмида

ЙЎЛ ЭҲТИЁТКОРЛИКНИ  
ЁҚТИРАДИ

Ҳайдовчимни ё пиёда – ким бўлмасин йўлда эҳтиёт бўлгани маъқул. Йўқса нафақат ўзи балки бошқалар ҳаётини ҳам хатарга қўяди. Қарши шаҳрида кечки соат 21.30 ларда П. Ўктам "Дамас" автомашинасида кетаётган, рўпарасидан келаётган "РАФ – 2203" русумли автомашина билан тўқнашув содир этди. Натижада "РАФ – 2203" йўловчиси Ш. Марат воқеа жойида ҳалок бўлди. "Дамас"нинг икки йўловчиси эса тан жароҳати олди.

Жиззахнинг Дўстлик туманида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси янаям фожиали тугади. Саккиз яшар қизалоқ катта йўлдан югуриб ўтаман деганда О. Баҳодир бошқарувидаги "Мерседес – Бенц" русумли машинаси уни уриб юборди. Шошиб қолган ҳайдовчи машинани четга оламан

деб, йўл ёқасидаги дарахларга олиб бориб урди. Натижада қизалоқ воқеа жойида оламдан ўтди. Машинадаги уч йўловчи касалхонада вафот этишди.

МАШИНА ЭГАСИГА  
ҚАЙТАРИЛДИ

Х. Исмаилов йўлда "Тико"ни тўхтатди. Манзилга етиб келганида кира ҳақини тўлаш ўрнига пичоқ ўқталиб, ҳайдовчини тушириб юбориб, машинани олиб қочди. Аммо унинг кувончи узоққа чўзилмади. Тез орада у қўлга олиниб, машина техник соз ҳолатда эгасига қайтарилди.

## ЖАМОАТ ЖАМ ЭКАН

Тезкор ходимлар Урганч тумани Гулистон ширкат хўжалигида яшовчи Т. Раҳматнинг уйига кириб боришганда жамоат жам экан. Мехмонлардан икки нафари Урганч шаҳрилик, бири сурхон-

дарёлик эди. 24 граммга яқин героин 875.000 сўмга бор барака қилинганда мезбону мехмонлар қўлга олинди. Хонадондан яна 4 граммга яқин заҳри қотил топилди.

ТОБУТГА  
АЙЛАНГАН САНДИК

Термиз шаҳридаги хонадонлардан биридаги сандик... тобутга айланди. Аниқроғи, унинг ичидан шу уй бекасининг мурдаси чиқди. Тезкор ходимлар хонадонни кўздан кечирганларида ҳамма нарса жой-жойида турар, одатдаги тартиб бузилмаган эди. Терговсуриштирув ишлари қотилликни ўзаро жанжал оқибатида аёлнинг эри содир этганини кўрсатди. Қотил қўлга олинди.

ДОМЛАНИ  
АЙТГАНИНИ ҚИЛУ ...

Нима дейсиз? Ҳаётда баъзан юқоридаги нақл ўз тасдиғини то-

пиб туради. Ҳуқуқшунослик коллежларидан бирининг ўқитувчиси Ш. Абдуқодир икки абитуриентга "яхшилик" қилмоқчи бўлди. Уларни ўзи дарс берадиган таълим муассасасига ўқишга жойлашни ваъда қилди. "Холис хизмат"и учун олдиндан бўлажак талабаларнинг ҳар бирини 1200 АҚШ долларидан санаб олаётган пайтда қўлга тушди.

## ҚЎЛИ ҚОНГА БОТДИ

Фарғона водийси аҳли хушмуомала, ширинсўзлиги билан танилган. Масалан, андижонликлар ўз фарзандларини ҳам сизлашади. Аммо мастлик ҳар қандай кишини одамгарчиликдан чиқарар экан, чоғи. Бўлмаса Наманганнинг Поп туманилик Н. Маҳмуд ўзаро жанжаллашиб акасининг қорнига пичоқ урармиди? Жабрдийда касалхонада оламдан ўтди.

## ҚАРОҚЧИ... ҚИЗЛАР

Денгиз қароқчиларини эшитганимиз. Қадимда савдо қарвонларини талаган саҳро қароқчилари ҳам бўлган. Аммо қароқчи қизлар... Пойтахтнинг Чилонзор туманилик 18-19 ёшли С. Оксана ва Ю. Раиса Ф. Фулом номидаги истироҳат боғида кечки пайт "қароқчилик" қилишди. Улар 9-синф ўқувчиси О. Катеринани кўрқитиб зирақларини тортиб олишди. Талончилар ушланди.

## ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН

Одатда эр-хотин кексайганда бир-бирига ганимат, қадрдон бўлиб қолади. Отахонлар кўчадан келиши билан ҳовлида ўйнаб юрган невараларидан: "Бувинг қани?" деб сўрашади. Тошкентлик пенсионер Ж. Александр бўлса жанжаллашиб танмахрамининг бўйнига пичоқ уриб, ҳаётига зомин бўлди.



Осойишта маҳалла обод бўлади

# ПАТТАКЕСАРГА ОҚШОМ ЧЎКДИ...

**Термиз шаҳри бой ва узоқ тарихга эга. Паттакесар – шаҳарнинг энг қадимий гўшаларидан бири. Бу ерда шу ном билан аталувчи маҳалла бор. Маҳалла Сурхондарёнинг қуйилиш жойида, Амударё бўйида жойлашган. Термиз–Ҳайратон кўприги ҳам унча узоқ эмас.**

Паттакесарга яна оқшом чўкди. Худудни айланамиз. Сокинлик. Дарёдан эсаётган майин шаббод танга хузур бағишлайди. Шундоқгина давлат чегара чизиги туташиб кетган хонадонлардан бирига яқинлашамиз. Бу ерда тўй бўлаётганди. Хонадон соҳиби туркман миллатига мансуб. Келин ўзбек қизи. Келин-куёв, хонадон соҳиблари шаънига эзгу-тилаклар билдирилди. Куй-қўшиқлар, айниқса севги, садоқат улуғланган тароналар тўйга файз киритади.

Тўйхона эгалари чегарачиларни сийлашади. Йигитлардан бири олис Хоразмдан, қолганлари Фарғонадан хизматга келишган экан. Жануб иқлимидан бироз қорайган, аммо ўктам, бақувват, гаплари мантқиқли, босиқ йигитлар билан суҳбатимиз анча чўзилди. Чегарачилар хизматдан мамнун. Улар бурчлари, Ватанга садоқатли эканликларини таъкидлашади...

– Маҳаллада етти мингдан зиёд киши яшайди. Бу ерда ўзбеклар, руслар, тожиклар, туркманлар кўпчиликни ташкил этади. 15 миллат вакиллари бор, – дейди маҳалла оқсоқоли Сулаймон Шоймардонов. – Барча аҳил, иноқ, бир оиланинг фарзандидай яшашади. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир – тинчлик, осойишталик. Бу йўлда профилактика инспекторлари, фаоллар, маҳалла посбонлари билан ҳамкоримиз.

8-милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Соҳатмурод Шомаматов билан суҳбатимиз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлашга бориб боғланди.

– Айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш учун қатъий ҳаракат қиляпмиз, – дейди С. Шомаматов. – Аҳоли таркиби, жиноят қилишга мойил қатламлар доимий эътибори-

мизда. Ҳар бир кўча, гузар, хонадон учун масъул шахслар бор. Маҳаллага ким, нима мақсадда келяпти, бунга бефарқ қарамаймиз. Тунги навбатчилик ташкил этилаётгани, нотинч оилалар, ичкиликбозлар, муқаддам судланганлар билан олиб борилаётган профилактик ишлар аҳоли осойишталигига қаратилмоқда.

Маҳаллада бир хайрли ишга қўл урилган. Ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уларга касб-хунар ўргатиш диққат марказида. Айни вақтда 16 нафар хотин-қизлар тикувчилик сир-асрорларидан баҳраманд бўлишяпти. Бу хайрли ишни давом эттириш тadbирлари белгиланган. Профилактика инспектори ташаббуси ва раҳбарлигида 70 нафар йигит-қиз спорт тўғрақларида шуғулланаяпти. Муқаддам судланганларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш эса доимий назоратда.

...Кино, дискотека ва бошқа кўнгилочар тadbирлар ниҳоясига етди. Маҳалла аҳли хонадонларига тарқалишди. Шаҳар, маҳалла гўё тин олишга, ҳордик чиқаришга шайлангандай. Аммо кўчалар, маҳаллада ҳамон бедор кишилар бор. Кенжа Сотиболдиев, Боймирза Давлатов, Рустам Қодиров, Баҳром Азимов каби фаоллар ва маҳалла посбонлари маҳалла осойишталиги, фуқаролар тинчлигини таъминлаш учун навбатчилик қилишяптанди.

Ҳа, посбонлари сергак жойда доимо тинчлик, осойишталик бўлади. Бундай гўшада оқшом файзли, тунлар осуда ўтади.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

Ибрат

# ТАРИХ ЖОНЛАНАДИ...

Мана, 11 йилдирки Қашқадарё вилояти ИИБ тарихи музейи фаолият юритади. Унинг экспонатлари тобора кўпайиб, ҳар жиҳатдан бойиб бораётир. Музейга қадам қўяркансиз, қаршингизда жонли тарих гавдаланади. 1941-1945 йилларда жангхорларда хизматда бўлган, фронт ортида ҳалол меҳнати билан эл-юрт осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатган ички ишлар фахрийлари ҳамда афгон уруши қатнашчиларининг ҳаёт йўллари акс этган. XV асрда ишлатилган хизмат қуроллари, милиция ташкил этилгандан буён фойдаланиб келинаётган турли хил қийимлар ҳам кўргазмадан жой олган. Бу ерга ташриф буюрганлар ички ишлар соҳасининг ўтмиши ва ҳозирги кунни тўғрисида аниқ маълумотлар олиши мумкин. Айниқса, истеъфодаги милиция полковниклари В. Живило, Х. Худойбердиев, О. Эргашева, Х. Рўзиев кабилар босиб ўтган ҳаёт йўллариини ўрганиб, ибрат олиш мумкин.

Музей иш юритувчиси, милиция старшинаси Виталий Ҳазраткулов шундай деди:

Музей экспонатларини жамлаб, маълумотлар тўплашда фахрийларимиздан истеъфодаги ички хизмат полковниги М. Жўраев, истеъфодаги ички хизмат подполковниги А. Остоновнинг қўшган ҳиссалари катта бўлди. Биз бу инсонларнинг маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари асосида мана шундай ажойиб маскан ташкил эта олдик.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари, ёш курсантлар, хизматни энди бошлаган милиционерлар музейга ташриф буюриб, ўзларига керакли манбалардан баҳраманд бўлишяпти. Ички ишлар идораларида узоқ йиллар ишлаб, айнаи дамда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳам тез-тез келиб, хизмат йилларини эслашяпти. Хуллас, музейнинг кекса ва ёш авлод ҳаётида тутган ўрни бекиёсдир.

С. АМИНОВА.



Суратда: истеъфодаги ички хизмат полковниги М. Жўраев музей тарихи ҳақида ёш ходимларга сўзлаб берапти.

О. ПРИМОВ олган сурат.

Тақдир сўқмоқларида

# ОРАМИЗДАГИ «БЕГОНА» ОДАМЛАР

Нақл қилишларича, Аллоҳ йигит кишига умри давомида уч марта омад бераркан. Агар буни вақтида англаб, ушлаб қолса – бахти, ношудлик қилса, бир умр омад қидириб ўтаркан.

– “Ана шундай ношудлар” асосан бирор жойда ёлчителиб ишламай, кимнингдир ҳисобига кун кўришга интиладилар, – дея гап бошлади А. Икромов тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти В. Соатов. – Улар атрофимизда гўё бировга озор бермай юрадилар. Аслида ўғирлик, босқинчилик каби кўплаб жиноятлар айнан ўшалардан келиб чиқади. Масалан, Баҳор Мардонов 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактаб, Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги касб-хунар билим юртини битирган.

Бу маълумотлардан хабар топгач, у “туппа-тузук йигит” экан дейишингиз мумкин. Лекин афсус, Баҳор меҳнат қилишни эмас, меҳнат-

сиз энгил-елпи кун кечиришни кўзлади. У 1998 йили ўғирлик содир этиб, Ангрен шаҳар суди томонидан беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Орадан бир йил ўтмай, амнистия туфайли афв этилган Баҳор қонуний рўйхатда турган манзили – Ширин шаҳри Бобур кўчасидаги хонадонга ёки оиласи, икки фарзанди истиқомат қилаётган Бекободга эмас, қариндошларининг ёнига – А. Икромов туманига келиб, яшай бошлади.

– Юпун кийинган, кўчада сандироқлаб “омад қидириб” юрган йигитга раҳим келди, – дейди тумандаги “Ал Хоразмий” маҳалласида яшовчи Икром ота (исм ўзгартирилган). – У билан танишиб, уйимга таклиф қилдим, кийим-кечак бердим. Баҳор оёғимда бодим борлиги тез-тез оғриб туришини билгач, дўкандан тўртта “стаканчик” да ароқ олиб келди. Биттасини оёғимга суртиб, иккин-

чисини “компресснинг таъсири яхши бўлади” деб зўрлаб ичирди. Қолганини эса ўзи ичиб, мени ўраб-чирмаб ётқизди. Бир пайт уй-ғонсам, Баҳор уйда тимирскиланиб юрибди...

Шу кун Б. Мардонов ўзига нон-туз, жой берган қариянинг етмиш минг сўмлик уй-рўзғор буюмларини олиб кетди. Қария буюмларининг айримларини ундирди, қолганига кўрнамак Баҳор “қайтараман” деб тилхат ёзиб берди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Баҳор яна жиноятга қўл урди – қўшнининг уч ёшли қизалогини алдаб, қулоғидаги тилла зирганини ечиб олди ва ўрнига оддийсини берди.

Жабрланувчилардан тушган шикоятлар бўйича Б. Мардоновга нисбатан жиноят иши кўзга тилди. Унинг яқин қариндошлари туман ИИБга чақирилганда фақат акаси келиб: – “У ўз қилмишлари билан жонимизга теғди. У укамни нима қилсаларинг-қилаверинглар”, – деди.

– Ушбу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, – ўз мулоҳазасини давом эттиради В. Соатов. – Б. Мардоновнинг Сирдарё вилоятида рўйхатда туриб, Бекободда болачақа қилгани, судланиб, жазони ўтаб қайтиб қариндошлариникида ноқонуний яшаб юргани Икром отадан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмаган. Б. Мардоновга ўхшаганлар жазони ижро этиш муассасаларидан қайтгач, яна жиноятга қўл уришларига худди мана шу лоқайдлик – одамларнинг муқаддам судланганларга нисбатан эътиборсизлиги, уларнинг жамиятдан четлатиб қўйилиши, уй-жой, иш билан таъминлаш масалаларига панжа орасидан қаралиши ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, “Тинчлик” маҳалласида яшаган, 1964 йилда туғилган И. Патрининг умр йўлига назар ташлайлик. Унга турли жиноятлари учун суд томонидан берилган умумий жазо 34 йилни ташкил этади. Ҳукуматимиз-

нинг одиллиги боис у тез-тез амнистияга тушиб, жазодан озод қилинадию яна... жиноятга қўл уради.

Игорь Патрин дастлаб 1982 йили номусга тегиш жиноятини содир этиб, етти йилга қамалганди. У қамокдан қайтганда ота-онаси оламдан ўтган, уй-жойини эса хотини сотиб, Россияга кетиб қолган эди. Ҳаётда ўз нафси туфайли илк бор хато қилган инсон тавба-тазарру билан уйига қайтса – уй йўқ. У қариндош-уруғ, ошна-оғайниларникига бош суқиб кўрди. Қўлидан хунари йўқ омадсиз йигит “қора тамға” билан ишга ҳам киролмади. Ва у яна жиноятга қўл уриб, қамалди. Бундай ҳолат, 2003 йил 9 май кунини олтинчи марта содир бўлди. Уйсиз-жойсиз, “дарбадар” деган ном олган Игорь яна босқинчилик жинояти содир этгани учун суд ҳукми билан етти йилга озодликдан маҳрум этилди.

– И. Патринга ўхшаган шахсларнинг қайта жиноятга қўл уришига авва-

ло вақтида профилактик ҳисобга олиниб, иш билан таъминланмагани сабабчидир. Қолаверса, кам бўлса-да учраб қоладиган яна бир муаммо бор, – деди тумандаги А. Навоий номли маҳалла оқсоқоли, истеъфодаги милиция подполковниги М. Хусаинов. – Яъни, маҳалладаги уй-жой олди-соттисидан маҳалла оқсоқоли, фаоллар беҳабар бўладилар. Тўғрироғи, бу ишга улар умуман аралаштирилмайди. Бундан фойдаланган айрим элчил во-ситачилар қонунни четлаб ўтиб ишни “пишитади”. Натижада Игорь каби адашганлар уй-жойсиз боши берк кўчага кириб, қайта жиноятга қўл уришади... Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, маҳалла эгасиз эмас, унинг эгалари ким уйини сотаётганини ким олаётганини, билишлари зурур. Юқоридаги икки ҳолатда ҳам йигитлар тўғри йўлга тушиб кетишлари мумкин эмасми? Бунинг учун қамокдан қайтиб, бошпанасиз, ишсиз юрганларга қайишадиган инсонлар, меҳрибон қўллар керак эди...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.



Тўйхат ўрнида

Орамизда шундай инсонлар борки, у ҳақда гап кетганда "яхши одам" сўзи қўшиб айtilади. Унинг эл-юрт олдидаги хизматлари тилга олиниб, ёшларга ибрат мактаби сифатида кўрсатилади. Қисқаси, бундай кишилар жамиятда ўз ҳулқ-атвори, юриш-туриши, ҳалол меҳнати билан иззат-ҳурмат топиб, кўпнинг назарига тушади. Ана шундай ардоқли юртдошларимиздан бири истеъфодаги милиция полковниги Ҳамидулла Мирпўлатовдир.

Ҳамидулла ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган акалари Миробид ва Нурали Мирпўлатовлар изидан боришга аҳд қилди. Дастлаб у заводда ишчи, кейин цех бошлиги бўлиб ишлади. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиб, уни аъло баҳоларга битирди. Кейин ИИБ ЖИЭББ муассасаларидан бирида бўлим бошлиги вазифасида иш бошлади. Тиришқоқ, билимдон ва мулоҳазали ёш офицернинг фидойилиги муносиб қадрланди. У Республика Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бошқармасига ишга таклиф этилди.

— Ҳамидулланинг касбига бўлган меҳри яққол кўзга ташланиб турарди, — дейди ўз шогирди ҳақида истеъфодаги генерал-майор У. Раҳимов. — У қайси ишга қўл урмасин, хато

топиб бўлмасди. Ўта интизомли, ишчан, хизмат масъулиятини чуқур ҳис қилувчи бу инсон бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди.

Жавоҳирга қанча жило берсанг жилваси шунчалик ортганидек Ҳамидулланинг истеъфоди ва маҳорати хизмати давомида юзага чиқаверди. Раҳбарият эндигина 30 ёшга кирган ёш йигитнинг билими, тажрибасига ишониб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Авф этиш бўлимига катта маслаҳатчи вазифасига тавсия қилди.

Ҳамидулла ўзига юклатилган вазифани аъло даражада уддаласа-да, фикру зикри касбдошларидан, мамлакатда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда эди. Шу боис республика ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Республика бир-


# КўПНИНГ НАЗАРИДАГИ ИНСОН

лашмаси бошлигининг ўринбосари вазифасига ишга ўтди.

— Ҳамидулланинг оддий ходимга муносабатини кўриб, қойил қолганман, — дея шогирдининг фаолиятини меҳр билан тилга олади истеъфодаги милиция генерал-майори Ж. Аъзамов. — Бир куни у ишга янги келган ходим билан ўз хонасида самий сўхбатлашаётгани устидан чиқдим, Кейин билсам, ёш йигитнинг ранги синиқиб, паршон юргани Ҳамидулланинг эътиборини тортган экан. У инспекторнинг кўнглига қўл солиб, кекса онаси беморлиги, ўзи моддий жиҳатдан қийналаётганини билиб олган. Ҳамидулла дарҳол ишга киришди. Ишхонадан инспекторга моддий ёрдам, онасига

эса дори-дармон ундирди.

Ҳамидулла Мирпўлатов фидойи ҳуқуқшунос, чинакам гамхўр инсонлигини ИИБ Хўжалик бошқармасининг бошлиги, ИИБ ўрта милиция мактаби, сўнгра ИИБ Академияси, Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ишлаганда ҳам ёрқин намояна қила олди. Унинг мақсади битта — Ватани, халқи, касбини жон-дили билан севувчи, эл-юрт учун ўзини фидо қилишга қодир ҳақиқий ички ишлар ходимини тарбиялаб, етиштириш эди. Бу мақсадига эришди ҳам. Унинг А. Аъзамов, Б. Мираҳмедов, М. Отабеков каби қатор шогирдлари айни пайтда ички ишлар идораларида ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Қизи Нозима,



Маълума, Дилфуза, Улуғбек каби жиянлари эса Ҳамидулла Мирпўлатов бошлаган хайрли ишларни давом эттиришмоқда.

1998 йилда истеъфода чиққан Ҳамидулла Мирпўлатов уйда қўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

Бугун биз, устозлар, тиниб-тинчимас шогирдимиз, истеъфодаги милиция полковниги Ҳамидулла Мирпўлатовни қўлғул олтиш ёши билан муборакбод этиб, Аллоҳдан унга ва оиласига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик, ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Гофуржон РАҲИМОВ,**  
ИИБ Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори.

## «ДЕМАК, ОДАМЛАРГА НАФИМ ТЕГАДИ»

Ёз ойининг жазирама иссиқ авжга чиққан кунлари. Машина ойнасини очсангиз, юзингизга иссиқ ҳаво тафти урилади. Йўлнинг икки томони дала бўлиб, пахта, маккажўхори ва бошқа экин майдонлари кўзга ташланади. Анча йўл юрилгач, узокдан қишлоқ уйлари кўрина бошлади. Бир пайтлар бу жойда ферма бўлиб, айтишларича, аҳоли гавжум бўлган, қишлоқ ҳам анча гуркираган экан. Лекин кейинчалик фермадан бетон тўсиқлару, чала дала шийпонларигина қолган. Ферма биносига элтувчи йўл ҳали асфальтланмаган бўлиб, бир-икки жойга шағал тўкилган. Машина секин тўхтаганига қарамай, кўтарилган чанг босилгунча анча вақт ўтди. Бино олдида сабзаёт экинлари билан бирга райҳон, жамбил ва гуллар экилган бўлиб, улар парвариланаётганлиги шундоққина кўриниб турарди.

Вазифасини ўтаган ферманинг аввалги биноси қамишлар билан ўралиб, хоналарга бўлинган. Ишчилар тушлик қилишмоқда. Дастурхонга уларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотлардан тайёрланган таом тортилган. Нон ҳам уларнинг меҳнати билан етиштирилган бугдойдан тайёрланган.

Гап нима ҳақда кетаётганига қизиқайтандирсиз. Гулистон тумани "Истиклол" деҳқон-фермер хўжалигида жойлашган манзил-колония бошлиги, ички хизмат подполковниги Шоди Муродиллаев шундай дейди:

— Манзил-колонияларни яратишдан мақсад, маҳдумларни бошқарлар сингари жамиятдан ажратмаслик, меҳнатдан, ердан узиб қўймасликдир. Бу бир томондан маҳдумнинг фойдали меҳнат билан шуғулланиши, ўзини жамиятнинг ажралмас бўлаги, деб ҳисоблашига асос бўлса, иккинчи томони, ерга меҳр қўяди, ўз имкониятларини синаб кўради. Чунки аксарият ҳолларда инсоннинг жамиятдан ажралган ҳолда яшаши, ўз ишининг маҳсулини кўрмаслиги уни тушунликка тушириши, ҳаётга нисбатан ишончсизлигини орттиради.

Бугун бу манзил-колонияда эликдан ортиқ маҳдумлар бор. Улар турли хил жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилинган шахслардир. Бироқ уларнинг барчаси ўз

қилмишларидан пушаймон. Бу ерда ўзларининг нималарга қодир эканликларини намояна қилишга шароит яратилганлигидан мамнундирлар.

Мазкур манзил-колония нафақат экин майдони, балки чорва моллари ва мўъжазгина новвойхонага ҳам эга. Ҳокимлик ва вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан 25 бош қорамол, 15 от, 250 бош қўй ажратилган бўлиб, уларни маҳбуслар боқишади. Айримлари бу ерга келишдан олдин ер, чорва билан сира шуғулланмаганликларини айтишганди. Лекин қўл меҳнати, замин нафасининг шарофати туйғулгани, тез орада феъл-атворларида ўзгариш юз берди. Келганига кўп бўлмай, бу ерда оилалари билан яшаб қолишни истаб мурожаат қилаётганлар сони тобора ортиб борапти.

Жиззахлик Н. Насрулло қотиллик қилиб озодликдан маҳрум қилинган. Саккиз йилдан сўнг иши қайта кўрилиб, жазони манзил-колонияда ўташи белгиланган.

— Мен бу ерга келгач, очик далада меҳнат қилиш ҳам бир бахт эканлигини чуқур ҳис қиламан. Айниқса, сен ўстираётган нарсалардан кимлардир баҳраманд бўлиши, машаққатли меҳнат самарасини кўришинг ҳақиқий қувончдир, — дейди у кўзига ёш олиб.

Унинг гапларида жон бор. Негаки, маҳдумлар ўзлари етиштирган маҳсулотнинг меъеридан ортигини давлатга, аҳолига сотиш имконига эга. Маълум қисми эса эҳтиёжманд оилаларга тарқатилади.

Сайхунободлик Т. Анорбой 17 йилга қамол жазосига ҳукм қилинган. У мироб. Ўзига бундай ишонч билдирилганидан жуда мамнун.

— Одамларга нафим тегапти, демек жамиятга керакли инсонман, — дейди у қувонч билан.

— Маҳдумлар маънавиятини юксалтириши, билиминини ошириш буйича махсус ўқув соатлари ажратилган. Улар кундалик матбуот, радио, телевидение хабарлари билан танишишади. Уларни меҳнатга яраша рағбатлантириш, ташаккурномалар эълон қилиш, йиғилишларда ўрнат қилиб кўрсатиш тарбиянинг ажралмас қисмидир, — дейди бошлик ўринбосари, ички хизмат капитани Алишер Давронбеков. — Бўш вақтларида шахмат-шашка, футбол ва бошқа спорт мусобақалари ташкил этиш йўлга қўйилган.

Ушбу даргоҳ шу ердаги қишлоқ аҳлининг 17 нафарини иш билан таъминлаган бўлса, уни ободонлаштиришга ҳам нафи тегади. Учта сув насоси қайта таъмирланди, йўлларни асфальтлаш режалаштириляпти. Ҳадемай бу ерда кичик-кичик корхоналар ишга тушади.

Қишлоқ хўжалиги ишларида маҳдумларнинг меҳнатини оқилона ташкил этиш, маҳсулотларни бир текис ривожланиши учун ўз маслаҳатларини аяматган собиқ раис, ҳозирда хўжалик ишлари буйича муассаса бошлиги муовини Тошмамаат Арзикулов, агроном Саид Рўзиевнинг хизматлари беқиёсдир. Бу йил олинандиган ҳосилнинг чўғи баланд. Маҳбусларнинг қувончлари ҳам чексиз бўлади. Улардаги инсонийлик фазилатлари йўқолмайди. Қўлидан ёмонлик келмайди. Демак, уларга ишониниш мумкин.

**М.ИБРОҲИМОВА.**



Боғишамол тумани М. Улуғбек маҳалласи профилактика катта инспектори, милиция майори К. Раззоқов аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида сўхбатлар ўтказиб туради.

Суратда: милиция майори К. Раззоқов (ўнг томондан биринчи) бир гурӯҳ фаоллар билан.

**Д. САЛОҲИДДИНОВА** олган сурат.

Маърифат дарси

## ИНСОН ТАБИАТИ ВА МАЪНАВИЯТИ

Бирор идорага иш юзасидан борганингизда, сизни қабул қилган киши очик чехра билан кутиб олса, яхши муомала қилиб тўғри маслаҳат берса, гарчи юмушингиз битмаса-да, кўнглингиз ёришиб хушқайфият билан қайтасиз. Ана шундайларга нисбатан яхши табиатли кишилар деймиз. Қовоғини уйиб, кўпол муомалада бўлганлардан эса одатда бадфеъл, дея ундан узокрок юришга ҳаракат қилинади.

Инсоннинг табиати бир хил бўлмайди. Лекин унинг феъл-атворини, ўзгариши, йўлга солиш мумкин, албатта. Аввало атроф-муҳит, ўзаро муносабатлар, адабиёт, санъат ва бошқа омиллар феъл-атворни шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидек, оилада фарзанд болалигидан ота-онасига тақлид қилиб, инсоний фазилатларни ўрганади. Шу боис ҳам ота-оналар унга хушфеъл, ҳалол, тўғрисиқ, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли бўлиш каби фазилатларни ўргатиб, онгига сингдириб боришлари лозим.

Ички ишлар ходимлари ҳам ана шундай жиҳатларга эга бўлишлари шарт, деб ҳисоблаймиз. Чунки, улар доимо омма орасида, фуқаролар билан мулоқотда бўладилар. Табиатан босиқлик, милиция ходимининг асосий фазилатидир. Чунки ҳуқуқбузарлар ёки қондабузарлар билан юзлашганда асабийлашиши, шовмашоварлик қилиши ярамайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиқлик билан иш тутиб, масалага тўғри ёндошилса, адолат қарор топади.

Инсон табиатининг шаклланишида маънавият алоҳида ўрин тутаяди. Фуқаролар маънавиятини юксалтириш учун эса мафкура жабҳаларидан кенг фойдаланилади. Собиқ шўролар даврида бир томонлама ёндошилган мафкура таъсирида фуқаролар маънавиятини маълум қолипга солиш сиёсати юритиларди.

Истиклол фуқароларимизнинг миллий маънавиятни англаш ва юксалтириш имконини берди. Мустақил маънавият эгаси бўлган элат миллатга, оломон — халққа айланади. Маънавият камолотининг аниқ белгиланган нуқтаси, чегараси йўқ. Чунки ақл, заковот доимо чархланиб боради.

Маънавият инсондаги феъл-атвор ва ноёб фазилатларнинг муштараклигидир. Шу маънода унинг табиати ҳамда маънавияти бир-бирига боғлиқ.



# UCHINCHI «Поемга» gazetasi-ning ilovasi

## TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

### Чангалзорлар оралаб

**Африканинг нақ юрагида Конго ҳавзасининг энг серсув дарёларидан бири — Итури оқиб ўтади. Шу кенгликларда — тропик ўрмон чангалзорларида сайёрамизнинг энг пакана одамлари — пигмейлар яшади. Вояга етган пигмейларнинг бўйи 120-150 см бўлади. Бу паст бўйли қабила аҳли ҳақидаги илк маълумотлар эрамиздан аввалги 2500 йилларга тўғри келади.**

Вақти-вақти билан Итурия қирғоқлари томон тадқиқотчилар экспедициялари йўл олишади. Африкаликлар уларга йўлбошловчилик қилишга бажонидил рози бўлишади. Баъзан экспедиция аъзолари бир неча ҳафта ўрмонни кезиб, пакана одамларни тополмай қайтиб келишади. Пигмейлар ов учун қулай ҳудудлар излаб, ўзларининг маконларини вақти-вақти билан ўзгартириб туришади. Аммо гоҳида ёввойиларни топишга муваффақ бўлинади. Агар йўлбошловчилар қабила сардорларини кўндиришнинг уддасидан чиқишса, олимлар илиқ қабул қилинадилар. Акс ҳолда жон омонлигида туюқни шиқиллатишга тўғри келади. Бу кичик халқни ўзига оғдиришнинг энг осон йўли уларга туз ёки ўткир (аччик) тамаки совға қилишдир. Сигаретлар ҳам бўлаверади, пигмейлар уларни сақич ўрнида чайнашади.

XX асрнинг 50-йилларида Зоирнинг шимоли-шарқида яшаган пигмейларнинг манзилгоҳларига америкалик Колин Тернбулл тез-тез меҳмон бўлиб келарди. Тадқи-

қотчини бу қабиланинг мусиқага ишқибозлиги ўзига ром этган эди. Пигмейлар овга бораётиб, ундан қайтаётганда, қишлоқда юрганида чалган мусиқалари бир-биридан фарқ қилган.

Уларнинг мусиқа асбоблари ҳам ўзига хос, содда. Энг ибтидоиси сув барабани бўлса керак. Бунда машоқлар муайян ритмда кафтларини сувга уриб мусиқа ча-

Тернбулл галати ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Қабила аҳли шох-шаббалардан қурилган чайлаларнинг бири яқинида ўтириб ўз кўшиқларини бошлашди. Кутилмаганда ўрмондан паст бўйли уч киши чиқиб келди. “Меҳмонлар” қабила аҳли қаторига қўшилиб, уларнинг кўшиғига жўр бўлишди. Даврада ўтирганлардан 12 ёшлардаги бир қиз эса ўрнидан туриб ўрмонга кириб кетди.

У қаяққа кетди? Нима учун? Буни европалик киши тушуниши қийин. Пигмейлар учун эса ҳеч бир ғайриоддий ҳодиса рўй бермаганди. Қиз бир неча кунлик масофада жойлашган бошқа қишлоққа йўл олганди. Ялангоёқ, озиқ-овқатсиз, кимсасиз ўрмонда шунча кун йўл босишдан мақсад ўша



## ПАКАНА ФИЛ ОВЛОВЧИЛАР

Кечкурун қишлоқда чинакам байрам бошланади. Пиширилган хартумни қариялар ва энг ҳурматли эркаклар тановул қилишади.

Пигмейлар фил овловчиларни жуда ҳурмат қилишади. Чунки улар қабила аҳлига гўшт етказиб бериш учун ҳаётларини хавф остига қўядилар-да. Баъзан паканалар маймунларни ҳам овлашади. Бу ишнинг хатарли томони йўқ. Фақат маймунлар осонликча жон беришмайди, қўлларига илинган нарсани овчиларга отишади. Охир-оқибат ёй ўқидан жароҳатланиб ерга қулашади. Айниқса, она маймунни ўлдириш омадли саналади. Чунки маймун болалари ўлган онадан узоққа кетишмайди. Аммо маймун гўшти кўпга етмайди. Шунинг учун пигмейлар хатарли бўлса ҳам фил овини афзал билишади.

Хартумли, баҳайбат жониворлар ҳам қарздор бўлиб қолишмайди. Мабодо филлар подаси ўрмонзорда пигмейлар қишлоғига дуч келиб қолса, чайлаларни вайрон қилишади, бананларни илдиз-пилдизи билан кўпориб ташлашади, одамларни босиб янчишади. Омон қолган пигмейлар янги жойга кўчиб кетишга мажбур бўладилар.

лишади. Яна бир антиқа мусиқа асбоби бор. Мутахассислар уни ер дутори деб аташади. Бундай “датор”ни яшаш учун ерда ярим метр чуқурликда ўра қазилади. Чуқурнинг усти пўстлоқ билан ёпилади. Унинг устидан икита тор тортилади. Торларнинг остига муайян ораликларда бир неча ёғоч бўлакчалари жойлаштирилади. Қарабсизки, соз тайёр. Уни чапиш учун торларга таёқчалар билан уриш керак.

Пигмейлар юрганда ҳам, турганда ҳам куйлашади. Улар ашула айтишлари учун мусиқа шарт эмас. Ҳатто сўзнинг ҳам ҳожати йўқ. Овознинг ўзи етарли. Энди тили чиққан гўдаклар катталарнинг бундай сўзсиз кўшиқларига жўр бўлаверишади.

Тунларнинг бирида Калин

қишлоқликлар даврасига қўшилиб, уларнинг кўшиғига жўр бўлиб, кўшнилари хурсанд қилиш эди.

Баъзан ана шундай ой тўлган кечада пигмейларнинг олдида ўрмон руҳи Бобе чиқиб келади. У тириклик ва ўликлар дунёсининг ҳукмдори ҳисобланади. Бобе кўшиқ авж пардасига чиққан пайтда пайдо бўлади. Руҳ ролини маросим иштирокчиларидан бири ўйнайди. Аммо пигмейлар уни руҳлар оламининг ҳақиқий вакили сифатида қабул қиладилар. Бобенинг кийимлари пальма япроқларидан қилинади. Пигмейлар Бобе билан учрашишларидан кейин овлари ўнгидан келади деб ҳисоблашади.


Бу пакана одамлар балиқ овлашга ҳам “уста”. Аниқроғи, улар дарёга захарли ўтларнинг қайнатмасини куйиб юборадилар. Шундан сўнг балиқлар ҳушидан кетиб сув ўзига қалқиб чиқадилар. Пигмейлар уларни керагича тутишади.

Аммо бошқа ҳайвонларни овлаш осон эмас. Улар куёш чиқиб, шабнамларни қуритгач овга чиқишади. Чунки устларига шудринг томчилари томишини ёқтиришмайди. Одатда уч-тўрт киши

бўлиб, найза, камон ва пичоқлар билан қуролланиб овга отланишади. Фақат энг тажрибалиларигина овга яқка ўзлари чиқишлари мумкин. Пигмейлар ҳамма ўлжалардан ҳам филларни маъқул кўришади. Сабаби унинг гўшти бутун қишлоқ аҳлига етади. Пигмейлар ов пайти овоз чиқаришмайди, сассиз юришади. Филни кўриб қолишса гоҳида бир неча кун уни таъқиб қилишларига тўғри келади. Унинг уйқуга кетишини пойлаб, тиззаси остидаги пайини мўлжаллаб найза ёки камон отишади. Оғриқдан ғазабга келган фил найзадорга ташланганида бошқа томонда пойлаб турган пигмей унинг иккинчи оёғини мўлжаллаб найза отади. Зарбалари мўлжалга аниқ тегса, жонивор ерга қулайди. Шунда овчилар унинг хартуми учини кесиб ташлашади. Кўп қон йўқотиши натижасида фил бир неча дақиқадан сўнг ўлади.

Овдан қайтган пигмейлар қабиладошларига филнинг хартумини кўрсатишади. Буни кўрганлар иложи борича кўпроқ гўшт олиб келиш учун ўрмонга йўл олишади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.





## Бир муҳаббат тарихи

**Эҳ, муҳаббат, муҳаббат! Инсонни не кўйларга солмайсан-а?! Лайлию Мажнун, Фарҳоду Ширин, Ошиқ Фариб ва Шохсанам, яна қанчадан қанча севишганларнинг эсини оғдирган сен муҳаббат эмасми?!**

**Булар-ку тарих. Узоққа бориб ўтирмайлик. XX асрнинг дастлабки чорагида яшаган Эдуард VIII ҳам ана шундай оташин севгига мубтало бўлган шахзодалардан ҳисобланади. Сўнги пайтларда у ҳақда эртақлар тўқилиб, Эдуард ва Уоллиснинг қисмати афсонага айланиб қолди.**

Икки севишганнинг келажак тақдири билан боғлиқ турли хил башоратлар ўша пайтдаги оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланиб қолганди. Хаттоки нашрлардан бири "Агар шахзода ҳақиқатдан ҳам чин севгига мубтало бўлган бўлса, у қироллик тожидан воз кечади, дея башорат қилади. Қарангки, орадан бир неча йил ўтиб ушбу башорат ўз тасдиғини топди.

1936 йилнинг январида қирол Георг тўсатдан вафот этди. Шунда Эдуард Уоллисга

кин эмас эди. Аммо Эдуард VIII ўз аҳдида собит турди. Уоллис тушундики, эри Симпсон билан тезда ажрашиши керак. Бу ишда унга қиролнинг ўзи ёрдам қилди. У Симпсоннинг ҳузурига келиб очикдан-очик: "Агар Уоллис ёнимда турмаса, мен тож кия олмайман", – деди. Зинҳор бу гапни кутмаган Симпсон ҳайрон бўлди ва "Буни Уоллиснинг ўзи ҳал қилсин", – дея жавоб берди.

Айниқса, лондонлик судья 19 дақиқа ичида Уоллиснинг эридан ажрашганини қонулаштирганидан кейин тенгсиз никоҳнинг амалга ошиши хавфи янада кучайди. Консерватив, эски урф-одатларга қатъий риоя қилувчи Англияда бундай никоҳга йўл йўқ эди.

Дарҳақиқат, Бош вазир Болдуни ҳам қиролни бу ҳақда

Уоллис қиролни бу йўлдан қайтаришга кўп марта уринган. Эдуард VIII Уоллисга ҳал қилувчи қадам қўйилганлиги ҳақида хабар қилганида, у "мияси йўқ аҳмоқ!" деб хўнграб йиғлаб юборган.

Шундан сўнг Эдуардга Виндзор герцоги унвони беришиб, ватанидан чиқиб кетишни тавсия қилишади. Шунингдек, герцогнинг рафиқаси "герцогиня" деб аталиши ва унга маълум маънода эҳтиром кўрсатилиши керак эди. Аммо Эдуарднинг қироллик тахтидан воз кечишга сабаб бўлган аёл Вазирлар кенгаши ҳамда айрим нуфузли доиралар таъсири остида қирол Георг Vнинг олий фармони билан "герцогиня" унвонидан маҳрум этилди. Бу Эдуард учун оғир зарба эди. Аммо у қўлидан кетган тож учун ачинмади.

Вақти келиб катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу муҳаббат можаросининг тарихи ҳақида продюссер Жек Левин томонидан суратга олинган фильм намойиш этилганида Эдуард: "Жек, мен фильмнинг бошидан охиригача йиғлаб ўтирдим", – деганди.

"Мени деб Эдуард нималардан воз кечганини кўрдингизми?" дея унинг сўзларига Уоллис кўшимча қилганди.

Шундай қилиб, Эдуард ва Уоллис 35 йил аҳиллик билан умр кечирдилар. 1972 йили Эдуарднинг вафотидан сўнг Лондоннинг бир газетаси шундай ёзган эди: "Шу тариқа буюк севги тарихи ниҳоясига етди. Муҳаббат деб тахтдан воз кечган ягона қиролнинг бетакрор севги фожиаси яқун топди".

**Хориж матбуоти материаллари асосида Марям АХМЕДОВА тайёрлади.**

## ТАХТ ДАН

## ВОЗ КЕЧГАН ҚИРОЛ

Айтиш жоизки, Эдуард Буюк Британия қироличаси Викториянинг чевараси эди. У 17 ёшга тўлганда тахт ворисига айланди. Анъанага мувофиқ унга Уэльс шахзодаси унвони берилди. Белгиланган тартиб-қоидага кўра, пайти келиб у мамлакат қироли тахтини эгаллаши лозим эди. Бироқ 1930 йилнинг ноябрь оқшомларидан бири шахзоданинг ҳаётини бутунлай остин-устун қилиб юборди. Гап шундаки, қирол ва унинг яқинлари учун ташкил этилган ушбу кечага ҳар қандай кишини бир қарашдаёқ мафтун этадиган жозибадор аёл – Уоллис Симпсон ҳам таклиф этилганди. Ўзига хос камтар-камсуқумлиги билан оқсуяқлардан ажралиб турган бу аёл ёш шахзоданинг эътиборини тортиди. Уоллис бунга қадар икки марта турмушга чиққан ва айнаи чоғда учинчи оиласи билан яшаётганига қарамай заррача ҳам ҳусну тароватини йўқотмаган эди. Ёш шахзода бу мафтункор

аёлнинг биз билган ва билмаган хислатларини ҳаё ҳамда ҳадик аралаш нигоҳидан аналган шекилли, ундан бир зум ҳам кўзини узолмай қолди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, бу жодукўз аёлнинг кимлиги ва ўтмиши билан Эдуард обдон танишган бўлса-да, аммо шахзоданинг Уоллисга нисбатан муҳаббати сўнмади. Хаттоки, бундан сарой аъёнлари ҳам қаттиқ ташвишга тушиб қолишди. Эҳ-ҳе, Эдуардни бу фикрдан қайтариш учун нималар қилишмади, дейсиз. Шу боисдан бўлса керак, айрим британияликлар ўша ноябрь оқшомини лаънатлашиб, "шахзоданинг пешонасига битилган аянчли қисмат" ҳам деб аташади.

қўнғироқ қилиб, қайғули хабарни етказди ва "Менинг сизга бўлган муҳаббатимни ҳеч нарса ўзгартира олмайди", дея унинг кўнглига тасалли берди.

Очиғи, ана шу воқеадан сўнггина Уоллиснинг Эдуардга нисбатан ишончи янада ортди. Албатта, бунга сабаб бор эди. Чунки инглиз монархи бир вақтнинг ўзида Англия черковининг мутасаддиси ҳам бўлиб, уч марта эрга теккан аёлга уйланиши амалда мум-

расман огоҳлантирди. Бироқ Эдуард VIII бундан тегишли хулоса чиқармади. Натижада қиролга уч йўлни таклиф этишди: уйланишдан воз кечиш, ҳукумат тавсиясига асосан уйланиш ёки қироллик тахтидан воз кечиш. Эдуард Уоллисни танлади. 11 ой қироллик қилгач 1936 йилнинг декабрь ойида тахтдан воз кечиш ҳақидаги расмий ҳужжатга имзо чекди.

Айтишларича, бунга қадар

## ПЕНТАГОН НУЖНИ СИР ТУТГАНМИ?

## «ЮЛДУЗЛАР УРУШИ» ДАСТУРИ КИМГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЭДИ?

**Яқинда АҚШда янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. У сўнги йилларда НУЖлар ҳақида суратга олинган фильмларнинг энг яхшиси деб топилди. Картина қизиқ бир тасодифни кашф этди. Гарри Трумэндан бошлаб мамлакатнинг барча президентлари ўзга сайёраликларнинг ташрифи масаласига ойдинлик киритишга ҳаракат қилишди. Аммо уларнинг ҳамма уринишлари беҳуда кетди.**

## НЕЙТРОН БОМБАСИДАН ДАХШАТЛИРОК СИР

Америкага НУЖлар минг мартадан зиёд ташриф буюрган деб тахмин қилинади. Уларнинг энг машҳури 1947 йилда Нью-Мексико штатидаги Росуэлл шаҳарчасида қайд этилган эди. Воқеа жойига тезда етиб келган ҳарбийлар номаълум учар жисм бўлақларини йиғиштириб олиб, унинг метеорологик зонд эканини айтдилар. Ҳозирга келиб ўшанда жамоатчилик атайлаб чалғитилганлиги аён бўляпти. Айтишларича, айнан ўша НУЖ бўлақлари америкалик мутахассисларга ярим ўтказгичлар кашф этиш имконини берди. Ҳарбийлар НУЖ билан боғлиқ ҳар қан-

дай маълумотни сир тутишга уринишди. Кейинроқ Пентагонда ишлаган канадалик муҳандис Уилберт Смит ўз ҳукуматига ёзган хатида: "НУЖ АҚШ ҳукумати яшираётган энг катта сир. У ҳатто нейтрон бомбасидан ҳам хавфлироқ", – дея таъкидлаган эди.

## ХАТТО ФТБ (ФБР) ДИРЕКТОРИГА ХАМ РУХСАТ БЕРИШМАГАН

1951 йил февралда Греҳэм Бэтьон бошқараётган ҳарбий – транспорт самолёти улкан учар ликопча билан тўқнашиб кетишига бир баҳя қолган. 1964 йилнинг баҳорида НУЖ сурати "Атлас" русумидаги янги ракета синови тасвирга

олинаётган кинотасмага тушиб қолди. "Ликопча" ҳали фанга номаълум нур ёрдамида ракетанинг жанговар каллагини белгиланган йўналишдан чиқариб юборди. Орадан бир неча ой ўтиб НУЖ Монтана штатидаги ракета полигони тепасида кузатилди. У пайдо бўлиши билан 20 та "Минитмон" ракетасининг яроқсиз ҳолга келиши вақти тўғри келиб қолди. Америкалик ҳарбийлар балки бу СССРнинг ишидир деб ҳам тахмин қилдилар. Уларни агар бу ўзга сайёраликлар бўлса, мамлакат хавфсизлигига қанчалик таҳдид солишади, улардан нималарни ўрганиш мумкин, деган саволлар ўйлантирарди. Мазкур муаммо билан ФТБ (ФБР) ди-

ректорининг ўзи шуғулланмоқчи бўлди. "Луизианада армия ҳамма бўлақларни олиб кетган, бизнинг ходимларга уларни кўздан кечиришга рухсат бермаган эди", – дея ёзган эди у хизмат юзасидан битилган хатда. Демак, НУЖга ҳатто ФТБ ходимларини қўйишмаган ҳоллар ҳам бўлган экан-да!

## КАРТЕР НУЖНИ КЎРГАН

НУЖнинг 1968 йилги ташрифи Мичиган штати аҳолисини ваҳимага солди. Штатдан сайланган конгрессменларнинг тазйиқи остида Президент Форд ҳарбийларга текшириш ўтказиб, натижаларини эълон қилишни буюрди. Ҳарбийлар "текшириб кўриб", ҳеч қандай НУЖ


бўлмаган, одамларнинг кўзига қуюлган газ шундай кўринган, бу оптик алдовдан бошқа нарса эмас, деб жавоб беришди. Жимми Картер ўшанда Мичиган штатидан сайланган конгрессмен эди. У ҳам самолёт катталигидаги учар жисмни ўз кўзи билан кўрганди. Президент бўлса, бу масалани охирига етишга ваъда берди. Картер Президентликка сайланиши билан, унинг илмий маслаҳатчиси Франк Прес НАСА агентлигига расман мурожаат этди. Агентлик бундай масалалар билан шуғулланмаслигини маълум қилди. Пентагон эса архивга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Архивда бу борада ҳеч қандай расмий маълумот йўқ эди.

## БЕШ САВОЛГА БИР ЖАВОБ

Президент Рональд Рейган ўз расмий чиқишларида НУЖ муаммосига беш марта тўхталган экан. Бир гал у БМТ минбарида туриб: "Баъзан бошқа дунёлардан келган бегоналар сайёра-мизга хавф солганларида, барча ўзаро низоларимиз барҳам топармиди деб ўйлаб қоламан", – деган эди. Нима бўлганда ҳам, у атрофидагилар НУЖ ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни ўзидан сир тутишган, деб тахмин қилган бўлса керак. Шунинг учун "Юлдузлар уруши" дастури аслида ўзга сайёраликлар технологиясидан фойдаланиб ишлаб чиқилган ва уларнинг ўзига қарши қаратилган деган гаплар юради.

## КЛИНТОН ХАМ УДДАСИДАН ЧИҚОЛМАДИ

Олтинкўл туманининг Аълам қишлоғида туман ички ишлар бўлими кўмағида таэквандо спорт клуби ташкил этилди. Ушбу масканда 70 нафардан зиёд ўғил-қизлар шуғулланишмоқда. Уларга мураббий Ф. Мхатов раҳбарлик қилаётир.

Б. КЛЕЙМАН.

5 август куни футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионатининг иккинчи давра баҳслари бошланди. Олий лига жамоалари мамлакатимиздаги саккизта ўйингоҳда ўзаро куч синашишди.

## ЧЕМПИОНАТ ҚАРВОНИ ЯНА ЙЎЛГА ТУШДИ

16-турнинг марказий учрашуви Наманганда "Нефтчи" билан бўлиб ўтди. Ўйин, одатдагидек мурасасиз ва кескин курашларга бой бўлди. Давралар оралиғида таркибини сезиларли даражада кучайтиришга эришган наманганликлар азалий рақибларидан уч очко тортиб олиш

илинжида чиройли ва ишончли ўйин намойиш қилишди. Натижада "Навбахор"га таклиф этилган футболчилардан А.Мочинов ҳамда О.Усмонхўжаевлар биттадан гол уриб, жамоага 2:0 ҳисобда ғалаба келтиришди.

Биринчи даврада "Нефтчи"дан бир очко

ортда қолган "Пахтакор" меҳмонда "Дўстлик" жамоасига қарши тўп сурди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёзги танаффус пайтида ҳар икки жамоани бир нечта ўйинчи тарк этганди. Агар "Пахтакор" раҳбарияти асосий таркибга қўшилолмаётган иқтидорли ўйинчиларни хорижий ва маҳаллий клубларга ўтишига руҳсат берган бўлса, "Дўстлик"дан асосий таркибда тўп сурган бир нечта тажрибали футболчи кетиб қолди.

Ўйин эса тўлиқ пахтакорчилар устунлигида ўтди. Учрашувнинг тўртинчи дақиқасидаёқ Т.Копадзе узоқ масофадан кучли зарба йўллаб ҳисобни очди. Иккинчи голни К.Тожиев, кейингисини унинг акаси Зайниддин киритди. "Дўстлик" биринчи бўлимда пенальтини аниқ амалга ошириб, ҳисобдаги фаркни қисқартирди. Пенальтига пахтакорчи Г.Гочкулиевнинг дарвозага

кираётган тўпни қўли билан тўхтатгани сабаб бўлди. Натижада ҳимоячи майдондан ҳайдалди. "Пахтакор" бир ўйинчи кам бўлиб ўйнашига қарамай, иккинчи бўлимда меҳмонлар дарвозасига яна учта тўп киритди. Бу голларнинг барчаси З.Тожиев ҳисобига ёзилди. Этиборли томони шундаки, биринчи даврада рақиблар дарвозасига атиги тўрт тўп йўллаган З.Тожиев, иккинчи давранинг биринчи учрашувидаёқ шунча гол урди. Шундай қилиб "Пахтакор" 6:1 ҳисобда йирик ғалабага эришди.

Бронза медалга асосий даъвогар бўлиб турган "Қизилқум" сафарда "Металлург" устидан 1:2 ҳисобда устун келди. Совринли ўрин учун "Қизилқум" билан рақобатлашяётган "Насаф" Бухорода ўйнади. "Бухоро"ликлар меҳмонларни 3:1 ҳисобда доғда қолдиришди. Қашқадарёликлар дарвозасига учала тўпни И.Қурбонов киритди.

Қашқадарёнинг яна бир вакили - "Машъал" ўз майдонида "Гулистон" устидан 2:1 ҳисобда ғалабага эри-

шиб, воҳадаги футбол мухлисларини хурсанд қилди.

Биринчи даврада анча ишончли ўйин кўрсатиб, турнир жадвалининг юқори қисмига ўрнашиб олган "Сурхон" Қувасойда олий лига дебютанти - "Цементчи"дан қақшатқич зарбага учради. Мезбонлар сурхондарёликларни 3:1 ҳисобда енгишди.

"Самарқанд-Д" жамоаси Тошкентда "Трактор" билан куч синашди. Учрашув тугашига ўн дақиқа қолганда биринчи даврдан сўнг "Трактор"дан самарқандликлар таркибига ўтган А.Рисқуллаев собиқ жамоаси дарвозасига ғалаба тўпини киритди.

Худди шу натижа Андижонда ҳам қайд этил-

ди. "Кўқон-1912" жамоасини қабул қилган "Андиджон" кичик ҳисобда ғалаба қозонди. Голни "Пахтакор"дан яна собиқ жамоасига қайтган Б.Ҳамидуллаев урди.

Мусобақа жадвалида "Нефтчи"нинг мағлубиятидан фойдаланиб қолган "Пахтакор" яна биринчи ўринга кўтарилиб олди. Чемпионат олтин медали учун баҳс мана шу икки жамоа ўртасида кечиши тобора ойдинлашиб бормоқда. Қолган ягона совринли ўрин учун "Қизилқум", "Насаф" ва "Навбахор" курашиши кутилмоқда.

"Кўқон-1912", "Трактор", "Гулистон" жамоалари олий лигада қолиш учун тер тўқади-лар.

## 16-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	16	14	2	0	51-13	44
2. "Нефтчи"	16	14	0	2	43-11	42
3. "Қизилқум"	16	11	2	3	32-14	35
4. "Насаф"	16	9	2	5	31-20	29
5. "Навбахор"	16	7	5	4	26-17	26
6. "Сурхон"	16	7	3	6	20-25	24
7. "Машъал"	16	7	2	7	24-18	23
8. "Дўстлик"	16	6	3	7	19-28	21
9. "Самарқанд-Д"	16	6	1	9	21-25	19
10. "Андиджон"	16	4	5	7	18-17	17
11. "Бухоро"	16	5	2	9	24-27	17
12. "Цементчи"	16	4	4	8	20-30	16
13. "Металлург"	16	4	2	10	19-35	14
14. "Трактор"	16	3	4	9	17-38	13
15. "Гулистон"	16	4	1	11	13-35	13
16. "Кўқон-1912"	16	4	0	12	17-39	12



## АНТИҚА РЕКОРДЛАР

Бугунги кунда футбол учрашувларида бир ўйинда тўртбешта тўп киритиш амри маҳол. Лекин 1942 йилда бу борада антиқа рекорд ўрнатилган. Шу йил 13 декабрь куни Франция кубоги учун кечган баҳсда "Рейсинг клуб де Ланс" жамоаси аъзоси Стефан Станис рақиб дарвозасига "атиғи" 16 та тўп киритган.

Халқаро ўйинларда бир учрашув давомида энг кўп тўп киритган футболчи Софус Нильсендир. Дания терма жамоаси ҳужумчиси 1908 йили Олимпиада ўйинларида Францияга қарши кечган учрашувда рақиб посбонини ўн мартаба дарвозадан тўп олиб чиқишга мажбур қилган. Учрашув 17:1 ҳисобда данияликлар фойдасига ҳал бўлган эди.

Ушбу рекорд орадан тўрт йил ўтиб яна такрорланди. Германия терма жамоаси аъзоси Готфрид Фукс Россия терма жамоаси дарвозасини ўн марта ишғол қилишга муваффақ бўлди.

"Торки Юнайтед" аъзоси Пэт Круз энг тезкор автогол муаллифи сифатида тарихдан жой олган. 1977 йилнинг 3 январидан бўлиб ўтган учрашувда П.Круз ўз дарвозасини ишғол қилганида ўйин бошланганига энди 6 сония бўлганди.

1996 йилнинг ноябрида Англиянинг "Бирмингем Сити" жамоаси ярим ҳимоячиси Энди Легг ажойиб рекорд ўрнатди. Рақиб жамоа футболчилари тўпни аутга чиқариб юборишганда ҳали Э.Легг нималарга қодирлигини билишмас эди. Оқибатда Э.Легг тўпни 44,54 метргача отиб берди. Унгача ҳеч ким бунинг уйдасидан чиқолмаганди.

Франциялик Жаҳон ва Европа чемпиони, дунёнинг энг зўр футболчиларидан бири - Зинеддин Зидан футбол тарихидаги энг қиммат ўйинчи саналади. У Италиянинг "Ювентус" жамоасидан Испаниянинг "Реал"ига 66 миллион АҚШ доллари эвазига ўтган.

Футбол оламидаги энг нуфузли мусобақа - жаҳон чемпионатида иштирок этган энг ёш футболчи Шимолий Ирландия терма жамоаси аъзоси Норман Уатсайддир. У 1994 йили АҚШда ўтган жаҳон чемпионатида Югославия терма жамоасига қарши майдонга тушганда 17 ёш эди.

Собиқ Югославия футболчиси Милан Видинич 1970 йилларда Франция чемпионатида тўп сурган. У марказий ҳимоячи сифатида майдонга тушгани боис ҳужумга қўшилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Лекин 1972 йилда антиқа гол киритди. Яъни бир учрашувдан олдин М.Видиничга хотинининг кўзи ёриб, бирваракайига эгизак ўғил туққанини билдиришди. Майдонга тушган футболчи хурсандлигидан коптокни рақиб дарвозаси томон зарб билан тепиб юборди. Натижа ёмон бўлмади - 55 метрдан йўлланган тўп тўппа-тўғри рақиб дарвозасини ишғол этди.

## ФУТБОЛЧИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Литва чемпионатининг ўтган йилги тўпурари Аудриус Шлекис автоҳалокат натижасида дунёдан кўз юмди. Маълумотларга қараганда, футболчи "БМВ" автомашинасида тезликни меъёридан оширган ва машина йўлдан чиқиб кетиб, бетон деворга урилган. Шлекис шу ернинг ўзида ҳалок бўлган.

## «ТАДБИРКОР» ФУТБОЛЧИЛАР

Польша чемпионатининг олий дивизионига бериладиган йўлланма учун куйи лига вакиллари-дан "Гарбарния" ва "Свит" даъвогар эди.

Мазкур жамоаларнинг дастлабки ўзаро учрашувида "Свит" футболчилари ғалаба қозонишди. Маълумотларга қараганда, икки учрашув натижасига кўра, олий дивизионга бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун "Гарбарния" раҳбарлари рақиб жамоа - "Свит" футболчиларига мағлубият эвазига катта миқдорда "мукофот" ваъда қилишди. Бунинг оқибатида "Гарбарния" 3:0 ҳисобда ғалаба қозониб, олий дивизионга йўлланма олди.

Лекин "Гарбарния" жамоаси аъзоларининг қувончи узоққа чўзилмади. "Свит"нинг 6 нафар футболчиси ўйинни бой бериш учун "Гарбарния"дан 50 минг евро олгани ошкор бўлди. Польша футбол федерацияси порахўр футболчиларни умрбод футбол ўйнашдан маҳрум қилди. "Свит" посбони бир йилга ўйинлардан четлатилди. "Гарбарния"га техник мағлубият ёзилиб, "Свит" олий дивизионга чиқадиган бўлди.

Боҳир БЕК тайёрлади.



## Маърифий сабоқлар



Дунёда шеър кўп, шоир кўп. Аммо барча шеърлар ҳам ёдда қолавермайди, ҳамма шоирларнинг дийдори-га, суҳбатига ташна бўлиб, соғиниб кутавермаймиз.

“Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” рисола билан танилган тасаввуф илмининг билимдони, шоир Садриддин Салимни Бухорода уйига, тўйига, суҳбатига чорламаган хонадон йўқ, десам ишонаверинг. Вилоятдаги ҳар бир идора, ташкилот, мактаб ва лицей унинг ташрифини маънан бир ташналик билан кутади. Яқинда у ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан учрашиб қайтаётганида юзлашиб қолдик. Биламан, Садриддин аканинг вақти зик, доим ташрифда, дарсда, тоатда бўладилар. Вақтни ганимат билиб у кишини Лаби ҳовуз томон бошладим.

Муҳаммад Наршахий сингари ўнлаб буюк зотлар билан нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фахрифтхор қилади”.

— Тўғри, кўлаб алломаларимизнинг муборақ номлари Бухорога туғ каби иймон-эътиқод, маърифат элчилари мисол иззат-икром билан кириб келди. Сизнинг “Имом Бухорий” номли асарингиз асоси-

ки беш панжани юмсангиз тугал, кучли бир муштга айлан-ди. Шунинг учун ҳам бири кам — яъни тўрт кунлик дунёда яшаётганимизни унутмаслигимиз лозим. Агар бу қисқалик моҳиятини англаганимизда эди — ҳар лаҳза ганиматлик касб этар, аввало, нафс галаёнидан устун туриб, ҳар қандай ёлғону майдаликларни четлаб, умримизни беминнат яхшиликка бағишлаган бўлар эдик.

— Яқинда газетада бир туркум тўртликларингиз эълон қилинди:

“Яхшилик этган билар не яхшилик,  
Ҳар муродга етказар, де, яхшилик.  
Сен ёмонга яхшилик эт, ложарам,  
Ҳар ёмонга асли танбех яхшилик!”

Шу сатрларни қайта-қайта ўқир эканман “Яхшилик ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди, ёмонликни бир қарич бола ҳам қилади” деган гапни яна бир бор эсладим.

— Ҳар куни яхшилик ва ёмонлик, бағрикенглик ва худбинлик ҳақида ўғитлар эшитамиз, кўрсатувлар кўрамиз, мақола маталлар ўқиймиз. Жамиятда инсоннинг эзгу хислатларини, ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қиладиган қонунлар мавжуд. Бутун бошли давлатларнинг дастурлари, сиёсатларида юқоридоғи мезонлар акс этади. Дунёда инсондан бошқа бирор-бир жонли мавжудот йўқки, у туғилганидан то қабрга боргунча яхшиликка, эзгуликка даъват этилса. Лекин бу турфа оламнинг ажабланарли, юракларнинг хун бўлишига сабабчи хижолатли томони борки, биз ҳаммиша ҳам эшитган, кўрган, билганимизга амал қилолмаймиз. Бандасининг бор қусури, ожизлиги ҳам шунда. Аммо бемор бандаси борки, тузалишдан умидвор. Ҳар эрта бировга яхшилик тилаб уйғонмаган банданинг ишлари унмайди, унса-да мева бермайди. Қалбда сабов умидворлиги яшаган кимса ҳеч қачон бировдан кам бўлмайди, ўзини ёлғиз ёки ночор сезмайди.

— Садриддин ака, агар рози бўлсангиз суҳбатимизни тўртликларингиз билан якунласак.

— Маъқул.

\*\*\*

— Сизни ўлди, деб айтдилар! Хайрият тирик экансиз...

Менинг борим нечук сенга ҳам бўлди?  
У ўлди, деб, нечук кўнглинг жам бўлди.  
Садриддин-ку, тирик, оҳ ўлса агар  
Балки, битта дуоғўйинг кам бўлди.

\*\*\*

Мен ўлдимки номим қоларми сенга,  
Мерос бўлиб номим қоларми сенга?  
Ўлганга-ку ўлажакмиз ҳаммамиз,  
Мен ўлдимки шоним қоларми сенга?

\*\*\*

Жаҳон кенгдур, наҳот сенга тор бўлса,  
Сигмагайми бир Садриддин бор бўлса?!

Ер устида жой талашганлар, не тонг,  
Ер остида парча ерга зор бўлса?!

\*\*\*

Менга кулфат тилаганга — роҳат, хузур тилайман,  
Менга дард, гам тилаганга — бахту сурур тилайман.  
Ким бировга не тиласа, ўзига қайтар бешак,  
Менга ўлим тилаганга — узоқ умр тилайман.

Ражаббой РАҲПОВ  
суҳбатлашди.

# ҲАР ЁМОНГА АСЛИ ТАНБЕҲ ЯХШИЛИК

## шоир Садриддин Салим Бухорий билан суҳбат

— Садриддин ака, шукрки шахримизда ўқитувчи ёки шоирман, деб юрганларнинг саноғи йўқ. Аммо Бухоро аҳли Сизга ўзгача бир эҳтиром кўрсатиб, суҳбатларингизни, шеърларингизни соғинади. Кўпинча маърифат дарсларида, йиғинларда мухлисларингиз Сиздан тил ва тарих, дин ва диёнат, эзгулик ва қабоҳат ҳақида сўрашади. Ҳар бир маърузангизни берилиб тинглашади.

— Сўзда қудрат ва ҳикмат яшайди, бир оғиз сўз билан киши қалбини остин-устун қилиб ташлаш мумкин. Бу дунёда биров-бировни йўқлабдими ёки унга ҳурмат-эътибор кўрсатибдими — шунинг ўзи саодат. Серташвиш дунёда биз кўпинча оддий, елдек ўтиб кетган бахтли кунларни, биродарларни пайқамай қоламиз, бой берамиз. Мухлисларга келсак, улар рост гапнинг гадоси. Тўғри сўз, таъмасиз дийдор, журъат ва ҳалоллик бор жойда ёмонлик чекинади, зулмнинг йўли тўсилади. Бундай лаҳзаларда киши ўзига, ўзлигига қайтади. Агар “Орифнома”ни ўқиган бўлсангиз, муаллиф — буюк сўфий, авлиё бобомиз Хўжа Ориф Моҳитобон айтганларки: “Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзни малойикага монанд этсин. Яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф (покиза) бўлсин ва Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмасин!”

— Юқоридо Сиз ўзлик сўзига тўхталиб “киши ўзига, ўз-лигига қайтади” дея таъкидладингиз. Биласиз, баъзилар ҳали ҳам ўзлик, Маънавият, Қадрият каби тушунчаларни осонликча тушунавермайди. Бу бир табиий жараёни ёки бошқа сабаблар ҳам борми? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Агар биз ахлоқ тизимимиз: ички маданиятимиз, дину диёнатимиз, анъаналаримиз — буларнинг ҳаммасини яхлит маънавият, қадрият сўзи билан ифодалаб ўзлик деб атасак, яқин ўтмишда ўзлгимиздан жуда олислаб кетган эдик. Бугун бунинг сабабларини унча-бунча биламиз... Бу давр қанча давом этганидан қатъи назар, мустақилликка эришгач, ҳеч бир миллат маънавиятсиз,


яъниким, ўзликни ҳис этмай, англамай яшаши, тараққий этиши мумкин эмаслигига амин бўлдик. Шунинг учун ҳам бу ҳақда аниқ дастурга эга бўлдикки, бу ҳали ишнинг бошланиши...

— Шу ўринда Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг: “Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлан-тирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди” деган ибратли сўзлари ёдимга тушди.

— Юртбошимизнинг ушбу сўзлари маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг нечоғли муҳимлигини кўрсатиб турибди. Ўтган узоқ йиллик зўравонлик, мустамлакачилик даврида халқимизни маънавиятидан айририш, тарихий хотирасини ўчириш учун курашдилар. Чунки маънавиятидан ажралган халқ куллик занжирларига осонлик билан кўникади, қаршилик кўрсатмайди. Улар шу йўл билан халқимизни маърифий жараёнидан узиб ташламоқчи бўлишган эди. Айниқса, ўқиш-ўқитиш, тарбия соҳаларида кўра-била туриб ростни ёлғон, қорани оқ дейишгача етган эдик. Бу қизил империянинг аниқ дастурига киритилган эди. Уларнинг савий-ҳаракати “коммунизм кишини тарбиялаб вояга етказиш” шиори остида ўз тарихи, тили, кимлигидан беҳабар, “олға!” деса, кўрсатилган томонга ўқдек учадиган авлод яратиш эди. Масалан, мактабларимизда “СССР тарихи” ўқитилиб, унда нуқул Русь тарихи бўяб-бежаб ўргатиларди. Ўрта маълумот олган ўқувчи Ермак ёки Иван Болотников кимлигини билардию, Маҳмуд Торобинини билмасди. Помпей шаҳри харобалари ҳақида маълумотга эга эдию, аммо Афросиёб, Афшона ёки Вардонзе каби кўҳна шаҳарларимиз ҳақида билмасди. Қадим Турон ёки кечаги Туркистон кечмиши қоронғу эди. Гўё ер юзида бун-

дай давлатлар бўлмаган. Пётр улуғу, Амир Темур қонхўр, Фрунзе халоскору Хусайн Бойқаро мустабил... Шукрлар бўлсинки, давлатимизнинг бу

да яратилган кўп қисми видеофильми халқимиз томоша қилди. Буюк ҳадисшуношинг нечоғли куч-қудрати, илоҳий билимларидан огоҳ бўлди.



борадаги ташаббуси — Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш хайрли кечмоқда...

— Донишмандлардан бири “Бугун алдаган эртага ҳам алдайди” деган экан. Бугун рост гапни айтиш, рост гапни эшитиш биз учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам муҳимдир. Нега деганда чала ҳақиқатларни ўқиб, эшитиб аросатда ўдик. Мустақилликнинг улкан имкони шундаки, энди биз рост билан ёлғонни ажрата оламиз, ким нима қилаётми, гап билан иши бирми — бунга яшириш қийин.

— Бир ўйланг, бугун шарафга бурканган Бухоро кечагина “шўр босиб, нураб” ётар эди. Биз ижодкорлар (имкон топилса) баъзан бу ҳақда ёзиб, овоз чиқазиб қўярдик, аммо овозимизни биров эшитмасди. Юртга ўзимиз эгалик қилгач, тарихимиз бор бўй-басти билан секин-аста кўринди, баъзан бундан ўзимиз ҳам ҳайратдамиз. Президентимиз айтганларидек: “Бухорои шариф ўзининг буюк фарзандлари, азиз авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук маскандир. Бу заминда туғилиб камол топган Имом Бухорий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино,



Миллат ва чегара билмас офат

## ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ БАЗАСИ ТОПИЛДИ

Москва яқинидаги Толстопальцево кўрғонида жойлашган гаражларнинг биридан Россия ФХХ ва ИИБ ходимлари “шахидлар белбоғлари” омборини топишди. Борис Гризловнинг айтишича, камида 5 та кўпуровчилик ҳаракатининг олди олинди.

ФХХ операцияси муваффақиятли ўтди. Эрталабга яқин робот-манипулятор “белбоғлар”ни бутазорга олиб кирди. Ўша ерда улар зарарсизлантирилди. Сўнг робот пластининг қолдиқларини махсус контейнерга ортди. Иш тун бўйи давом этди. Эрталаб соат 9.00 га яқин махсус колонна кўрғонни тарк этди.

Энди бўёғи экспертларнинг иши. Аммо бир нарса аниқ — омборхона Тушинода кўпуровчилик содир этган ва Москва марказида бунга уринган террорчиларга қарашли бўлган. Портловчи моддалар яширилган манзилни илгари қўлга олинган террорчи аёл Зарема Мужахоева айтган бўлса керак, деган тахминлар бор.

## ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК

Ўтган жума куни соат 19.00ларда Шимолий Осетиянинг Моздок шаҳрида яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Портловчи моддалар ортилган “КамАЗ” юк машинаси катта тезликда ҳаракатланиб, ҳарбий госпиталь дарвозасини бузиб ўтиб касалхона ҳовлисида портлади. Натижада чуқурлиги икки метр, кенлиги 5 метр ва узунлиги 9 метрлик чуқур ҳосил бўлган. Касалхонанинг даволаш бўлими ва унга ёндош палаталар бутунлай вайрон бўлган. Портлаш кучи бир тоннадан зиёд тротилл кучига тенг эди. Маълумотларга қараганда 50 дан зиёд киши ҳалок бўлди. Уларнинг сони кун сайин ортиб борапти. 78 киши турли хилдаги жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди. Портлаш пайтида госпиталда 115–150 киши бўлган.



## САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ҚИЗЛАРИ ИОРДАНИЯДА

Иордания қироллиги Саддам Ҳусайннинг катта қизи Раҳад ва ўртанча қизи Раънога бошпана берди. Мамлакат қиролли Абдулло Иккинчи бу қарорни шахсан ўзи қабул қилди. Ҳозир улар Уммонда истиқомат қилишяпти. Собиқ Президентнинг кичик қизи Хала онаси Сожида билан Тикритда яшашяпти. Раҳад журналистларнинг саволларига жавоб бера туриб: “Отам энг ишонган, ўзининг ўнг қўли деб ҳисоблаган одамлар сотқин бўлиб чиқди. Улар нафақат отамни, балки ватанини ҳам сотишди”, — деди.

## СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚАНДАЙ ҚИЁФАДА?



Саддам Ҳусайн ўзининг Сталинга ўхшашлиги билан фахрланарди. У ҳатто баъзан “халқлар отаси”нинг руҳидан маслаҳат сўраб турар экан. Тахминларга кўра, собиқ Президент энди ўзининг машҳур мўйловини қирган, ҳатто соқол кўйган бўлиши мумкин. Диктатор америкаликлар қўлига тирик тушмаслик учун белидан тиззасига-ча портловчи мосламалар тақиб олган эмиш. Бир қўли доимо детонаторда экан. Мабодо шунча портловчи модда портлагудай бўлса, Саддамнинг танасидан асар ҳам қолмайди. Демак унинг мурдаси топилмагач “ўлмас” деган ном қозониши ва бу афсонага ҳам айланиши мумкин.



## ПАРТИЗАНЛИК УРУШИ ДАВОМ ЭТАПТИ

Яқинда Саддам Ҳусайн тарафдорлари америкаликлар ҳарбий колоннасини гранатомётдан ўққа тутишди. Америкалик аскарлар орасида ярадорлар бор. Хужум қилганларнинг икки нафари йўқ қилинган, уч киши қўлга олинган.

Шунингдек, Бағдоддан 60 км узоқликда жойлашган аэропорт яқинида ҳам америкаликларнинг позициялари миномётдан ўққа тутилган. Қурбонлар йўқ. Операциянинг жанговар босқичи тугагандан буён ўтган давр ичида Ироқда ҳарбий тўқнашувлар чоғида АҚШнинг 52 нафар аскари ҳалок бўлди.

Бундан ташқари Эл-Хилла шаҳридаги ҳарбий базада жойлашган польшалик ҳарбийларга ҳам хуруж қилинган. Польша Мудофаа вазирлиги матбуот котиби Эугенуш Млечакнинг сўзларига қараганда “база яқинида бешта мина портлаган, аммо ҳеч кимга зарар етмаган”. Ҳозир Ироқда 600 нафар поляк аскари жойлашган. Август охиригача улар сони 1600 нафарга етади. Шунингдек, 7 август куни украиналик 1800 нафар тинчликпарвар ҳам келтирилади.



## ФОЖИА НЕГА ЮЗ БЕРДИ?

2001 йил 11 сентябрь воқеаларига қайтиб

АҚШнинг уч етакчи махсус хизмати — Марказий разведка бошқармаси (МРБ), Федераль тергов бюроси (ФТБ) ва Миллий хавфсизлик агентлиги (МХА) 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатининг олдини ола билишмади. Сабаби, ҳар қайсиси Криловнинг масалидаги оққуш, қисқичбақа ва чўртанбалиққа ўхшаб аравани ҳар томонга тортган, ўзаро ахборот алмашмаган. Мамлакат парламентининг ҳар икки палатаси разведка бўйича кўмиталарининг кўшма маърузасида ана шундай хулоса чиқарилган.

1999 йил бошида МХА “Ал-Қоида” оқимига алоқадор саудиялик икки фуқаронинг ўзаро мулоқотини аниқлади. Аммо бўлажак самолёт олиб қочувчиларнинг бу сўхбати мазмунига етарлича аҳамият берилмади. 2000 йил бошида МРБга айнан шу кишиларнинг Усома бен Лоден ташкилоти билан алоқадорлиги маълум бўлди. Аммо улар терроризмга дахлдорлар рўйхатида киритилмади. Натижа юқоридаги икки шахс бемалол ФТБ айдоқчисининг уйида ижарада туришди.

Маъруза 900 бетдан иборат. Обрули газеталардан бири —

“Уолл-стрит джорнэл”нинг ёзишича, матн жиддий цензурадан ўтказилган. Унинг энг “ширели” жойлари АҚШ Президентининг маъмуриятининг талабига кўра олиб ташланган. Шу тариқа махсус хизматлар, қолаверса, маъмуриятнинг обрусини сақлаб қолишга уринишган.

Эълон қилинган текширув материалларида 2001 йил 6 августда Оқ уйда хавфсизлик бўйича ўтказилган брифинг ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ушанда Жорж Буш “Ал-Қоида” АҚШга хужум қилишдан



манфаатдорлиги, бунинг учун террорчилар эгаллаган самолётлардан фойдаланиши мумкинлигини айтган эди. Президентнинг сўзлари тўла ўз тасдиғини топди. Ушанда фожиага ҳали бир ойдан ортиқроқ вақт бор эди. Нега лозим даражада қарши чоралар кўрилмаган? Маърузадан, шунингдек баъзи

бир хорижий давлатлар, биринчи галда Саудия Арабистонининг 11 сентябрдаги террорчилик хужумига алоқадорлиги ҳақида гап кетган 28 бетдан иборат матн ҳам олиб ташланган. Натижада маърузада террорчиларнинг саудиялик махсус хизмат ходимлари билан алоқаси ва баъзи бизнесменлардан ёрдам олгани ҳақидаги гапларгина қолган, холос.

Маърузанинг ошқор қилинган қисмида, шунингдек тергов тахминига кўра Капитолийга ёки Оқ уйга йўналтирилган тўртинчи самолёт ҳақида ҳам ҳеч нима дейилмаган. Гап-сўзларга қараганда, у Пенсильвания штатида гўёки АҚШ ҳаво хужумида мудофаа воситалари томонидан уриб туширилган. Яна бир тахминга кўра бу ҳаво лайнери йўловчилари Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази ва Пентагон биноси портлатилганлигидан уяли телефонлари орқали хабар топиб, террорчиларни зарарсизлантириб, ўз ҳаётлари эвазига мамлакат раҳбарларини қутқаришган.

Хўш, аслида нима бўлган? Бу ҳақда маърузадан аниқ маълумот ололмайсиз. Хуллас, 11 сентябрь фожиаси билан боғлиқ кўп тафсилотлар ҳали америкаликлар учун қоронғу.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## МОСКВАЛИК МАНЬЯК ТУТИЛДИМИ?

Милиция ходимлари 37 ёшли Григорий Пановни қўлга олди. У тўртта ваҳший қотилликнинг муаллифи бўлиши мумкин.

Г. Пановни тутишда пенсионер кампининг хушёрлиги қўл келди. У деразадан кўчага қараб турганида эркак киши ёш қизнинг орқасидан пойлаб келиб, бўйнидан бўғиб бутазорга олиб кириб кетганини кўриб қолди... Ва дарҳол милицияга хабар берди. Бу воқеа эрталаб соат 9.00 ларда юз берди!

Белорусь Республикасидан олинган хабарга кўра Григорий Панов 1999 йил май ойида ёш қизларни зўрлашга уринган ва зўрлагани учун 6,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. 2002 йил 19 августда амнистияга мувофиқ муддатидан олдин озодликка чиққан. 2003 йил баҳорида эса Москвага келган.

Босқарув институти талабаси, 18 ёшли Елена Косолапова Москвалик маньякнинг навбатдаги қурбони бўлди. Унинг яланғоч мурдаси сўқмоқ ёнидаги бутазордан топилди. Марҳуманинг ҳаворанг жинси шими ва жигарранг майкаси ёнида ётарди. Сал нарироқдан шиппаги билан сумкачаси топилди.

Қотил қизни жинси шимининг қайиши билан бўғиб ўлдирган эди. Марҳуманинг зўрланган-зўрланмаганини экспертиза кўрсатади. Қотиллик тунги соат 23-24 лар атрофида юз берган.



Турмуш чорраҳаларида

# «АРОҚ ИЧМАНГ, ОНАЖОН!»

Бу тўқиб чиқарилган воқеа эмас, ҳақиқатан ҳам Самарқандда юз берган фожиадир.

Алёна азонда боши оғриб уйғонди. "Кеча роса кайф қилибмиз ўзиям..." – хаёлидан ўтказди у. Етти яшар ўғли Серёжанинг ҳам уйқиси қочиб ўрнидан турди.

– Онажон, ахволингиз яхшими? Чой қўяйми? – сўради у. Серёжа ҳар гал тунги ичкиликбозликдан сўнг эрталаб онасининг боши оғришини яхши биларди. У неча марта лаб маст-аласт онасини зиёфатлардан қўлидан етаклаб уйига олиб келган.

"...Отам тирик бўлганларида қандай яхши бўларди. Онам ҳам бемаҳалда ҳеч қаёққа бормасдилар", – дея хаёл қиларди болакай.

Алёна асли қозонлик. Мактабнинг юқори синфларида ўқиган даврида кетидан кўпчилик ўсмирлар соядек эргашиб юришарди. Ўзиям баланд бўйли, кўзлари шахло қиз эди-да. Бир куни дугоналари билан тантанали оқшомга борганида бўлажак умр йўлдоши – самарқандлик йигитни учратиб қолди.

Анвар қорақош, қоракўз, елкалари кенг, қадди-қомати

келишган йигит эди. Икки ёшнинг нигоҳи тўқнашиши билан кўнгиллари ҳам топишиди. Алёна Анварни ота-онасига таништирди. Уларнинг никоҳига ҳеч ким қарши бўлмади. Бир неча ойдан сўнг тўй қилишди. Анвар ёш хотинини Самарқандга олиб келди.

Анварнинг ота-онаси Алёнани ўз қизларидай қарши олишди. Қайинсингиллари Севара ва Лайло унга ўзбек миллий таомлари пиширишни ўргатишди.

Ёш келин-куёв жуда аҳил турмуш кечирди. Орадан бир йил ўтиб Серёжа туғилди. Алёнанинг ўз бахтига ҳаваси келарди. Ота-онасига ҳам бу ҳақда тўлиб-тошиб ёзарди. Серёжанинг атак-чечак қилиб юриши, тили чиқиб "ота", "она" дейиши ҳаммаларига олам-олам қувонч бахш этди. Аммо бахт кетидан бахтсизлик ҳам келар экан. Анвар оғир дардга чалинди. Умри қисқа экан, дори-дармонлар, муолажалар наф бермади...

Алёна бу оғир йўқотишдан узоқ вақт ўзига келолмади. Унинг учун яшашнинг қизиғи қолмаган эди. Бир куни уйда



ёлғиз қолганида "Ёшнинг душмани хотирлаб ичай-чи, зора дардим енгиллашса", – деди.

Ичди, йиғлади, яна ичди, яна йиғлади. Назарида руҳи енгил тортгандай бўлди. Шу тарика аста-секин ичкиликка ружу қўя бошлади.

Кунларнинг бирида Серёжани қайнисинглисига қолдириб пул ишлагани Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетди. У ерда бадавлат кишининг "назарига тушиб" пича пул ишлаб олди.

Хориждан қайтиб келгач, яна ичкиликка берилди. Ҳар куни "дўст" ларидан бирининг уйида базми жамшид уюштиришарди. Бугун ҳам ана шундай зиёфатдан сўнг боши оғриб уйғонганди. У ўрнидан туриб, қўл учида нонушта тайёрлади. Сўнг кечгача ухлади. Кечқурун ўғлини олиб танишиникига борди. У ерда иккита эркак меҳмон бор экан. Сўхбатни қизитиш учун яна ичкиликбозлик бошланди. Ўғли Алёнага мўлтираб қараб:

"Онажон, жон онажон, ичманг", дея ялиниб-ёлворди. Аммо Алёна кулоқ солмади. Ярим кечага яқин икки йигит Алёнани уйига кузатиб қўйишди. Серёжа ўрнига ётиши билан ухлаб қолди. Йигитлардан бири Алёна билан жанжаллашиб, унга бир неча бор пичоқ урди. Шовқиндан бола уйғониб кетди. Жиноятчи гувоҳ қолдирмаслик учун Серёжага ҳам тиф санчди...

Айрилиқ азоби Алёнанинг иродасини букиб қўйди. Ҳаётини севгилисидан ёдгор бўлиб қолган ўғлига бағишлашга у ўзида куч тополмади. Ичкилик эса аёлни бутунлай хароб қилди.

Самарқанд шаҳри ички ишлар бошқармаси ва Темирийўл тумани прокуратураси ходимлари жиноятни фош этиш учун озмунча тертўқишмади, машаққат чекишмади.

Жиноятчи топилди, у қилмишга яраша жазосини олади. Аммо шахримизда, мамлакатимизда Алёнага ўхшаганлар бошқа йўқми? Бор. Уларнинг тақдирлари ўз қўлларида. Киши ўзини қўлга олиб иродали бўлмас экан, милиция ҳам, жамоатчилик ҳам унга ёрдам бериши қийин.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

Қилмиш-қидирмиш

Аёл номи тилга олинганда кўз олдимизга мунис онажонимиз, қуюнчақ опаларимиз, меҳрибон сингилларимиз суякли рафиқамиз келади. Биз уларни қўлларини дуога очган, тандир-тандир нон ёпаётган, бешик тебратиб, алла айтаётган ҳолда тасаввур қиламиз. Чунки аёл аталмиш хилқат фаришталар наслидан яралган. Инсоният ундан фақат меҳр-муҳаббат ва эзгулик кутади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, айрим аёллар ўзларини тута олмасликлари, ножўя хатти-ҳаракатлари билан шундай номга доғ туширмақдалар.

Хаётхон Салиева асли Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан. Яхшигина бир оиланинг бекаси эди. Турмуш ўртоғи Фурқат енгил машиналарни таъмирлаш устахонасида ишларди. Топиш-тутиши ҳам чакки эмасди. Бирин-кетин туғилган уч фарзанднинг тарбияси билан машғул бўлиб қолган Хаётхон негандир эрининг топганига қаноат қилмайдиган одат чиқарди. Дастлаб рўзғорда у кам, бу кам, деб жанжал чиқарган Хаётхон, кейинчалик эрига бир қанча "мажбуриятлар" юкледи.

Устахона хусусий қилиб сотиб олинган, ишсиз қолган Фурқат таниш-билишларидан қарз олиб хотинининг талабларини бажара бошлади. Яхши яшаш учун катта пул кераклиги ҳақидаги ўй унга тинчлик бермай қўйди. Ҳали у жой-

## ОҒУФУРУШ ОИЛА

да, бу жойда бажарган ишлари учун олган пуллар муаммоларни ҳал қилиш учун етмасди. Бора-бора хотинининг дийдиёсидан безиб кўчага чиқиб кетган Фурқат ҳатто сигаретни ҳам ўзгалардан сўраб чекадиган бўлиб қолди.

Танишларидан олган қарзлари кундан-кунга "болалаб" борарди. Энди у иложи борича уларнинг кўзидан узоқроқ юришга ҳаракат қиларди. Лекин кунлардан бир кун унинг уйи-мирлаш устахонасида ишлардан бирининг таклифи ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Моддий ахволи қийинлиги, тузукроқ иш топа олмаётганидан нолиб гапирган Фурқатга у бир дона "сигарет узатди. Кўпдан буён бунақа сигаретни кўрмаган Фурқат шоша-пиша уни тутатди. Бир-икки тортгач, ундаги тушкунлик аста йўқолиб, қандайдир илиқ туйғу руҳиятини кўтара бошлади. Сигаретга оғу жойланган эди. Кечгача оғу таъсирида сармаст бўлиб юрган Фурқат эрталаб яна хумори тутиб, ўша одамни излаб боради. Шу тарика у оғу гирдобига тушиб қолади. Аввалига те-

кинга берган нашавандлар, кейинчалик уни пулга сотадиган бўлишди.

– Аввалги қарзларимга қўшиб тўлайман, – деб олинган оқ ажал Фурқатни борган сари ўз домига тортаверди. Кунларнинг бирида унга қарз берганлардан бири кўчада учратиб:

– Қарзларингни бошқача "йўл" билан ҳам узсанг бўлади, – деди.

– Қандай қилиб? – ҳайрон бўлиб сўради Фурқат.

– Озгина "омонат" бор. Шуни Фарғонага олиб бориб берсанг ярим қарзингдан қутуласан. У таклифга рози бўлди. Бу "омонат юк" салкам ярим килограмм героин бўлиб, уни республикамиз ҳудудидаги яширин йўллар билан олиб ўтиб, Фарғонадаги оғуфуррушларнинг қўлига топшириши лозим эди. У бу топшириқ ўта хавфли эканлигини билса-да, оғу истеъмол қилишга бўлган эҳтиёжи уни йўлга чорлади. Лекин "Дўстлик" божхона комплексига ўз хизмат вазифасини бажараётган божхона ҳамда ички ишлар ходимлари унинг сафарига яқун ясашди.

Суд ҳукми билан узоқ

муддатга озодликдан маҳрум қилинган эрининг бундай тақдирига қисман сабабчи бўлган Хаётхон, дастлаб оҳ-воҳ чеккан бўлса, бора-бора барчасига кўникиб, ўзи тирикчилик пайига тушиб қолди. Пул топишининг осонроқ йўли шу экан, дея оғуфуррушларга шерик бўлди. Дастлаб икки-уч "муҳим топшириқ"ни қойилмақом қилиб бажарган Хаётхон, уларнинг садоқатли кишисига айланди.

Эрининг "касби"ни эгаллаган Хаётхон гоҳ тоғли Бадахшон, гоҳ Хўжанд, гоҳ Душанбадан гиёҳвандлик моддаларини хуфёна йўллар билан олиб келиб сота бошлади. Ажал уруғини дастлаб граммлаб, кейинчалик килолаб ташиди.

Шахарма-шаҳар изғиб, оғу ташиган бу аёлнинг макр-ҳийласига учраганлар кўпчиликини ташкил этади. Лекин унинг "тижорати" узоққа бормади. У Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятидаги "хамкасби"дан олган бир килограмму 897 грамм героинни бели ва икки оёғига яшириб, Фарғона ва Андижон вилоятлари орқали Ўш шаҳрига олиб кетаётганда Андижон вилояти ИИБ ЖҚ ваУЖҚБ ходимлари томонидан "Дўстлик" божхона масканида қўлга олинди.

Суд оғу кўтариб аёл, она деган муқаддас номга доғ туширган Хаётхонга нисбатан муносиб жазо тайинлади.

Азизхон БУЗРУКОВ.

### БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 1972 йилда туғилган **Дилафруз Нажмиддиновна АБСАЙИДОВА** қидирилмоқда. Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган. 2003 йил 2 май куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 160-165 см, қотмадан келган, юзи думалок, сочи, қоши, кўзи қора, қоши ёйсимон, лаби қалин.

**Кийимлари:** эғнида қора кофта-юбка, оёғида қора туфли бўлган.



Тошкент вилояти ИИБ томонидан 1956 йилда туғилган **Расул Гусанович ВАХИТОВ** қидирилмоқда. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри Охунбобоев кўчаси 26-уйда яшаган. 2003 йил 10 июль куни, яшил рангли шахсий "Нексия" русумли, 11L 8276 давлат рақамли автомашинада чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** сочи кўнгирсифат, юзи, қоши сарғиш, кўзи жигарранг, бурни катта, мўйлов қўйган.

**Алоҳида белгиси:** чап оёғи сонидан кесилган, протез қилинган.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

### ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Наманган вилояти Поп туманидаги Гурумсарой қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё дарёсидан ёши тахминан 35-40 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг яланғоч ҳолдаги жасади топилди.

**Белгилари:** бўйи 165 см атрофида, ўртача гавдали.

**Алоҳида белгилари:** ўнг қўли билагининг юқори қисмида аёл кишининг сурати, остида "Осень-93" ёзуви ва икки дона гул тасвири туширилган татуировка, билакнинг ташқи қафт бўғинига яқин қисмида "БТВ" ҳарфлари, "Она", "Ота" сўзларининг устмас-уст ёзгандаги кўриниши акс эттирилган татуировка, билакнинг ички қисмида ханжарга ўралиб чиқаётган тож кийган илоннинг тасвири туширилган татуировка бор.

**Номаълум шахсни таниган ёки билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚ ва ТҚҚББ бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Я. Илмуродовга падали бузруквори **ДАВРОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори И. Жўраевга отаси **Ҳайит Жўраевнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.





Хозир барча оромгоҳларда болалар ёз гаштини суришмоқда. Китоб туманида жойлашган "Ёш алангачи" оромгоҳида Қашқадарё вилояти "Муборакнефтгаз" бирлашмаси ишчи хизматчиларининг 500 нафардан ортик фарзандлари кўнгилли хордиқ чиқармоқдалар.

Суратда: Китоб тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, ички хизмат капитани Юнус Қодиров ва оромгоҳ бош етакчиси Ғайрат Ҳофизовлар ёш ўт ўчирувчилар гуруҳи аъзолари билан ёнги хавфсизлиги тўғрисида суҳбатлашишяпти.

Хусан РАҲМОНОВ олган сурат.

### Биласизми?

## ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

Маълумки, криминалист-экспертлар баъзи мураккаб жиноятларни кўзга кўринмайдиغان ультрабинафша, инфрақизил нурлар ёрдамида фош этаяпти. Бундай амалий ишларда уларга кимё фани жуда кўл келмоқда. Зеро, кимё фани жиноятчиликка қарши курашда муҳим ўрин эгалляпти. Шу боис кимёгарлар криминалистларнинг яқин ҳамкорига айланиб қолди.

Буюк рус кимёгари Д. Менделеев қалбаки ҳужжат ва пул яшаш билан шуғулланганларнинг жиноятини фош қилишда бир неча бор шахсан иштирок этганини

кўпчилик яхши билса керак. У суд экспертизасига оид бир қатор мақолалар ҳам ёзган эди.

Бугунги кунда ўзбек кимёгарларининг изланишлари билан "сирли" ҳолатларни ошкор этувчи препаратлар юзага келмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари таҳлилий кимё усулини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишди. Шу нарса маълум бўлдики, қоғоз пакетчалардаги омукта нарса — "қизилқон тузи" деган моддалар фотографияда қўлланилмоқда.

Мўъжизакор фан туфайли криминалистлар ёндириб юборилган матнларни бемалол ўқишни яхши ўзлаштириб олишди. Ёндирилган қоғознинг қандай ҳолатга келиб қолишини биз яхши биламиз. Қўл тегиши билан у бир сиким кулга айланади-қолади. Шунинг учун уни шикастлан-тирмай, бутунлигича лабораторияда текшириб кўриш масалани ойдинлаштиришда асқотади. Полимер плёнкалар мушкулни осон қилади. Эритувчи органик моддага солиб эритилган полимер махсус пуркагич ёрдамида ёндирилган қоғоз юзасига пуркалади. Шунда эритувчи модда учиб кетиб, қоғоз юзасида жуда ҳам юпка полимер плёнкаси (пардаси) қолади. Ёндирилган ҳар қандай қоғоз ана шу синтетик парда остида бешикаст тураверади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

### Саломатлигингизни асранг!

## ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Аҳоли орасида учраб турадиган ўткир юқумли ичак касалликлари ёзнинг иссиқ кунларида кўпаяди. Июнь-сентябрь ойларида ичбуруғ, салмонеллез, тиф ва паратиф касалликлари учрайди. Улар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви орқали юқади.

Ўткир юқумли ичак касалликларининг тарқалишида ичимлик сувининг аҳамияти катта. Касаллик кўпинча ифлосланган сув орқали ҳам юқади. Шунингдек, пашшалар ҳам ичбуруғ касаллиги кўзгатувчиларини ташувчилар ҳисобланади.

Кўп тарқалган юқумли ўткир ичак касалликлари — ичтерлама, ичбуруғ, овқат токсикоинфекциялари, салмонеллез, "А" вирус-ли гепатит ва бошқаларнинг барчаси учун кўзгатувчиларнинг оғиз орқали тушиши ва ошқозон-ичак йўлида кўпайиши хосдир. Кўзгатувчилар бемор ахлати билан ажралиб чиқиб тупроқ, сув, уй жиҳозларига тушиши мумкин. Касаллик манбаи — бемор одам.

Касалликларнинг кўпида ич кетиб, тана ҳарорати кўтариледи. Бемор кўп миқдорда сув йўқотиб, ҳолсизланади. Кўзгатувчилари ташқи муҳитга нисбатан чидамли. Бу эса ўз навбатида ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

Ўткир юқумли ичак касалликларига ча-линмаслик учун:

— мева ва сабзавотларни фақат қайнаган сувда ювиб, истеъмол қилинг;

— доимо, айниқса овқатланишдан олдин қўлгинизни совунлаб ювинг;

— ичимлик сувини қайнатиб истеъмол қилинг;

— нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини елим халта ёки усти ёпиқ идишларда сақланг;

— хонадон ва ҳовлиларингизни доимо озода тутинг;

— болангизнинг тирноқларини ўз вақтида олиб, қўлларини тоза тутишга ўргатинг;

— овқатланиш объектлари ҳамда умумий фойдаланиш жойларнинг тозаллиги ва санитария ҳолатини сақланг;

— пашша кўпайишига йўл қўймаслик учун ҳудудларни мунтазам равишда чиқиндилардан тозалаб туринг;

— ариқдан, очик сув ҳавзаларидан сув ичманг, ман этилган жойларда чўмилманг, таомларни антисанитария ҳолатда тайёрланг.

Мабодо кўнгил айниб, қоринда оғриқ пайдо бўлса, ич кетиши кузатилса тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этинг. Ҳар хил дори-дармонларни шифокор кўрсатмасисиз истеъмол қилиш касаллик сурункалига айланиб кетишига олиб келади.

Д. ТўРАНАЗАРОВ, тиббий хизмат полковниги.

### Сўраган эдингиз...

## ДАЛАЛАРГА ЎТ ҚЎЙМАНГ?!

Ғалла ўриб-йигиб олингач, ер майдонларига ўт қўйиб юбориш ҳоллари учраяпти. Ҳосилдорлик пасайишига йўл қўйган шахсларга нисбатан чора кўриладими?

А. ВАҲОБОВ, Тошкент вилояти.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65-моддаси 1-қисмида гап боради. Унга кўра ерлардан ҳўжасизлар-

ча фойдаланиш, объектлар куриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқа-

ришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, таназзулга юз тутган қишлоқ ҳўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.


## «Ж» ҲАРФЛИ КРОССВОРД

**Энига:** 7. Ўрта Шарқнинг тиб олимларидан бири. 8. Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. 14. Таниқли қозоқ мусиқашуноси, бастакор ва дирижёр, академик. 17. Олтин Ўрданинг 1342-57 йиллардаги хони. 18. Истиора тури. 19. "Кўнглим гулдай очилгай, ... бир бора кулсанг" (Пўлат Мўмин). 22. Хушбўй, тўпгули тиббиётда қўлланиладиган дарахт. 23. Буюк шоир, Алишер Навоийнинг устози. 24. Чиройли юз, гўзал чеҳра. 29. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири. 31. Днепрнинг ирмоғи — Тетерев дарёси бўйидаги шаҳар. 32. Республикамининг ҳуқуқшунос олимларидан бири, юридик фанлари доктори, истеъфодаги ички хизмат генерал-майори. 35. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 160-моддасида назарда тутилган алоҳида ҳавфи жиноят. 36. Мусулмонлар ибодат қилишига мўлжалланган тўшама.

**Бўйига:** 1. Уни кузда санайдилар. 2. Ипақдан тўқилган матолар юзидаги ялтироқлик. 3. Машҳур саркарда, маршал. 4. Енгил автомобил русуми. 5. Африкадаги давлат. 6. Қорақалпоқлар ораси-

да қиз ва йигитларнинг бир-бири билан байт-ғазал айтишуви. 9. Ҳозирги замон аэродинамикасига асос солган рус олими. 10. Қирғизистондаги шаҳарлардан бири. 11. Тошкент вилоятидаги қаналнинг номи. 12. Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмад қаламига мансуб роман. 13. Инглиз сайёҳи, дипломат (у XVI асрнинг иккинчи ярмида Европа, Осиё ва Африкага саёҳат қилган). 15. Қадимги Рим шифокори ва табиатушуноси Гален Шарқда қандай ном билан шуҳрат қозонган? 16. Таниқли татар бастакори, машҳур "Олтин соч", "Жалил" операларининг муаллифи. 20. "... олма, қўшни ол" (мақол). 21. Кўнғироқ, занг. 25. Эгар тағидан қўйиладиган от абзали. 26. Ҳафта кунларидан бири. 27. АҚШнинг 36-президенти. 28. Тизгин. 30. "Қишлоқ изқувари" кинофильмида бош ролни ижро этган актёр. 33. Аляска штатининг маъмурий маркази. 34. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлаш чораси.

Тузувчи Х. АБДУЛЛАЕВ.



### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

**Энига:** 1. Ботуми. 3. Денгиз. 8. Шоколад. 9. Чинакам. 12. Рахт. 13. Полковник. 14. Олча. 17. Роҳат. 20. Қарол. 21. Бинокор. 22. Япалоқ. 23. Тилсим. 27. Боботғо. 28. Ашраф. 29. Ирода. 34. Сара. 35. Бешбармоқ. 36. Хоин. 39. Тинчлик. 40. Аризона. 41. Қармоқ. 42. Қурама.

**Бўйига:** 1. Бухоро. 2. Макр. 4. Елка. 5. Зумрад. 6. Олтой. 7. Анжир. 8. Шоҳнома. 10. Молдова. 11. Бомдод. 15. Чарқпалак. 16. Баррикада. 18. Дилором. 19. Ромитон. 24. Башорат. 25. Новқат. 26. Дарвоза. 30. Исириқ. 31. Дехли. 32. Ботир. 33. Ангара. 37. Иншо. 38. Боку.

**ЎЗБЕКISTON**  
**RESPUBLIKASI IIV**  
**BIRLASHGAN**  
**Tahririyati**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir**  
**Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod**  
**TILLAYEV**  
Mas'ul  
kotib  
**R. BERDIYEV**

Navbatchi  
**S. SHAMSIDDINOV**  
Sahifalovchi  
**Z. BOLTAYEV**  
Musahhih  
**G. XOLIQOVA**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 59-20-96.  
muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan  
Buyurtma 7 — 739. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 45954 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda  
«Postda» dan olinganligini  
ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasi bosmaxonasida  
chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
1, 2, 3, 4, 5, 6.